

Ж.Икромов ўзининг «Математикани ўрганиш тили» китобида «Мактаб ўқувчиларининг математик маданияти шаклланиши бир неча даврга бўлинади» деб, таъкидлайди. Биринчи навбатда, улар объектив ту-шунчаларнинг биргаликда ташкил этадиган мазмуни – математик реал-ликни аниклаб оладилар. Бунда объектларнинг аниклик хусусиятлари билан тарихий-генетик жиҳатлар ўргасидаги боғлиқлик алоҳида аҳамият касб этади.

3. Отажонованинг "Математика ўқитишида Ўрта Осиёлик олимлар ижодидан фойдаланиш" (1981) ўқитувчилар учун кўлланмаси ҳам катта аҳамиятга эга. Таникли олим Сайдамин Ахмедовнинг "Ўрта Осиёда ма-тематика тараккиёти ва уни ўқитиши тарихидан" номли китобида Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ижоди, мадрасада математиканинг ўқитилиши Ўрта Осиёда кўлланган саноқ тизими, арифметик амаллар, каср сонлар арифметикаси кенг ёритилган.

А.Абдурахмоновнинг "Мактабда геометрия тарихи" рисоласи синф ва синфдан ташкири ишларда геометрия тарихи ўқитилишига бағишлиланган бўлиб мактаб ўқувчилари учун муҳим ўкув кўлланмадир.

К.Г. Кожабоевнинг «Мактабда умумий математиканинг тарбиявий йўналиши» номли илмий ишида ўқувчиларни буюк комусий олимлар ал-Хоразмий, Умар Хайём, Насириддин Тусий, Фиёсiddин Коший, Ал-Форобий ва бошқаларнинг илмий меросларини ўрганиш катта аҳамиятга эга эканлигини кайд этган.

С.И.Афонинанинг "Математика ва гўзаллик" асарларида тарихий элементларни ўрганиш муҳим ўрин тутиши диккатта сазовор.

Ўрта Осиё олимларининг математика соҳасидаги ишлари ва уларнинг фанни ривожлантириш соҳасидаги хизматлари ҳакида маълумотлар берилган. Ўрта Осиёда ўқитиши тарихи муаммолари, ўқитиши услубияти ва ўқитишини мукаммалаштириш масалалари тилга олинган. Шунингдек,

машхур математиклар ва математикага қизиқувчилар Мұхаммад Мусо Хоразмий, Насафий, Хўжандий, Беруний, Сижковандий, Коший, Кубовий, Бобокалон Муфтийлар ҳакида маълумотлар бор. Китобдан ўрта мактаб математика дарсларида тарихий материалларни қўллаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Голланд олими Б.П.Вандернинг «Ўйгонаётган фан» (Қадимги Миср, Вавилон ва Юнонистон математикаси) аник фанлар турли тармоклари арифметика, математика, алгебра, геометрия даврларга бўлиб кўриб чиқилган. Мазкур илмий ишда математиканинг фан таріқасида шакланишининг сарчашмалари ҳакида фикр юритилади. Бу илмий ишнинг ўкувчилар учун яна бир фойдали томони – математика ва геометриянинг амалий ишлари билан боғланган, математиканинг амалиёт билан боғлиқлиги ҳакида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

А.П.Юшкевичнинг «Ўрта асрлар математикаси тарихи» илмий ишида математика фанининг Хитой, Ҳиндистон, Ислом мамлакатлари (араб давлатлари, Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон)даги тараккиётининг умумий баёни берилган. Муаллиф кўп сонли тадқиқотларига якун ясаб, математика фани тараккиёт тарихини янгича тушуниш ҳакида ўз холосаларини баён қилган. С.Х.Сирожиддинов ва Г.П.Матвиевская биргаликда 1978 йилда ўкувчилар учун Абу Райхон Беруний ҳакида қўлланма ҳам яратдилар. Бу қўлланма «Абу Райхон Беруний ва унинг математикага оид асарлари» деб аталади. Унда Ўрта Осиё қомусий олими Абу Райхон Беруний ижодининг қисқача баёни, унинг илмий таржимаси ҳоли ва унинг издошлари ҳакида ҳам маълумотлар бор. Охирида Берунийнинг математик асарлари, яъни математикага оид ижоди берилган.

М.Аҳадованинг Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари ижоди тўғрисида ўз тилида ёзилган илмий ишлари 1964 ва 1983 йил саналари билан белгиланган. Биринчи китоб шу соҳага қизиқувчилар учун математика

тариҳи фанига оид кўлланма бўлиб, у «Ўрта Осиёнинг машҳур математиклари» деб аталади. Унда Мухаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Умар Хайём ҳақида хикоя қилинган.

Иккинчи китоб «Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари» деб аталади. Бу китобда Беруний, Умар Хайём, Ибн Сино, Тусий, Улугбек, Козизода Румий, Али Кушчи ва бошқалар ҳақида кенгроқ маълумот берилган.

Улугбек илмий мактабининг намояндайлари Улугбекнинг шогирдларидир. Бу улуг олимлар амалда каналлар курдилар, юлдузлар харитасини туздилар, турли иншоотлар барпо этдилар. Бу китоб яна шуниси билан кизиқарлики, унда математика ва геометрияга оид амалий масалалар берилган бўлиб, улар устида олимлар иш олиб боргандар.

Кейинги йилларада математика фани тариҳига оид нашр этилган китоблар,(1974 - 1987) бири «Математика тариҳи», иккинчиси эса «Математика фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши» деб аталади. Бу китобларда математика фани тарихидаги актуал муаммолар ва маълумотлар таҳлил этилган.

«Математика тариҳи» китобида математика фанининг тараккий этиш конуниятлари таҳлил қилиб чиқилган. Китоб таркиби бир шаклга келтирилган, матннинг бир неча жойлари ҳозирги замон фани талаблари асосида қайта ишланган. Китоб тушунарли илмий тил билан ёзилган ва математика ўқитувчилари ўз ўқувчиларига тушунтириш учун кулайлик билан фойдаланишлари мумкин.

Шу китобда математик тасаввурнинг шаклланиш жараёнлари, математика назарияси, элементар математика ривожси, ўзгарувчан миқдор математикаси, математик таҳлил ва геометрия, ҳозирги замон математикасининг бошланиши кабилар талқин этиб чиқилган. Барча бу маълумотлар даврлаштирилган. Миср, қадимги Вавилония, Хитой, Хинди-

стон, Юнонистон, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ, Уйғониш даври Европаси ма- тематикаси ва геометрияси маълумотлари баён қилиб берилган.

«Математика фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши» асари «Математика тарихи» асарини яна ҳам соддалаштирилган йўналиши бўлиб, ўрта мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номида ги шарқшунослик институти нашр этган мақолалар тўплами 1979 йилда нашр этилган бўлиб, бу тўплам Улугбек даври математика тараккиётин хакидаги қизиқарли маълумотларга фойтда бойдир.

Хозирги замон математика предметининг шундай бой мазмунга эга бўлиши унинг энг мухим муаммолар мажмунини қайта куришга олиб кела- ди. Математика асослари деганда тарихий, мантикий, фалсафий муаммо- лар ва математик назариялар тизими тушунилади.

Тарихий тушунчаларни бошлангич синф ўқувчиларининг билими ва ёш хусусиятига мувофиқ тушунтириш ва аник бўлишини хисобга олиб да- стлаб:

- ҳалқ педагогикасидаги: мақол, топишмоқ, эртак, ўйинлардаги мате- матикага доир тушунчалар тизими;

- математик олим, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятидан намуна- лар;

- ҳалқ обидаларидан элементар математик хисоблашга доир қурилма- ларни кўрсатиш ва ўлка бўйлаб сайр орқали амалга ошириш кабилар тарқ- хий тушунчаларни шакллантиришда асосий воситадир.

3. МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ БИЛИМ БЕРИШ БИЛАН ЎҚУВЧИЛАРДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ҲИССИНИ ТАРБИЯЛАШ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида "ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади", деган муҳим фикр мавжуд. Дарҳақиқат, она юрт тарихини холисонилло билмасдан ва у билан фахрланмасдан туриб миллий ўзликни англаб бўлмайди. Ўтмиш тарихини чукур ва мукаммал билган халқ ва миллият тарих сабокларидан ўзига тегишли ва зарур хуносалар чиқариб олади.

Ҳозирги ёшларни ўз халқининг жонкуяри бўлиши, миллий қадриятларимизни чукур билган, ўзлаштирган, уларни қадрлайдиган бўлиши керак.

Асрлар давомида аждодларимизнинг аклу-заковати билан юзага келган миллий қадриятлар инсон шахсининг хар томонлама камол топишида етакчи омилдир. Шундай экан, ҳозирги замон кишиси, хусусан ёш авлоднинг миллий тушунчасини, онгини бойитиб бориш катта ахамиятга эга.

Ота-боболаримиз томонидан яратилган илмий бойликлар халқимиз томонидан кўз қорачигидек сакланмокда ва ўрганилмокда. Ўсиб келаётган ёш авлод - мактаб ўқувчиларини мана шу асарлар билан таништириш уларнинг дунёкарашини кенгайтиради, билим савиясини юксалтиради.

Ўтмишни, гоҳ ғамгин, гоҳ қувончли кечган тарихни аждодларимизнинг буюклиги нимадан иборатлигини билмай туриб миллий гуур, миллий ифтихор туйгуси шакланмайди. Келажак ўтмишдан бошланади, деган гап бор. Вужудимизда, қадриятларимиз таркибида нимаки гўзаллик бўлса, Форобий, Ибн Сино, Хоразмий, Беруний, Улугбек, Умар Хайём, ғиёсиддин Жамшид Кошийларнинг покиза виждонидан, буюк эътиқодларидан, мукаддас рухларидан жамланганини хар бир ўқитувчи, хар бир

Ўкувчи билмоги керак. Ватан ўтмишдан, бугундан ва келажакдан иборатдир.

Биз халқимизнинг узок йиллар давомида яратган беҳисоб моддий - маънавий бойликлари билан фахрланамиз. Ўрта Осиё халқлари олимлари ўтмиш маданиятини, бадиий ва илмий меросини ўрганиш юзасидан бир канча муҳим ишларни амалга ошириллар. Математика тарихига доир китобларда Ўрта аср Шарқ олимларининг математика соҳасидаги ишлари ҳакида умумий маълумот берилган. Кейинги йилларда таникли олимлардан А.Ахмедов, А.П.Юшкевич, Б.А.Розенфельд, Г.Н.Қори-Ниёзий, С.Х.Сирожиддинов, F.Жалолов ва бошқаларнинг қылган ишлари шу олимлар ижоди ҳакидағи маълумотни янада кенгайтиради ва уларнинг методлари билан таништиради.

Хозир мактабларда қўлланилаётган математика дастури ва дарслікларда Ўрта Осиё халқлари алломаларининг, математика соҳасига қўшган хиссалари ҳакидағи маълумот кам ва умумий тарзда.

Ўқитувчи дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда, математикага катта хисса қўшган Ўрта Осиё олимларининг ишларига доир тарихий материаллар ҳақида маълумот бериб борса, ўқувчиларнинг математикага қизиши ортади. Математик масалаларни қадимги ва ҳозирги замон фани нуктаи назаридан таҳлил килиб ечилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрта Осиё халқлари ҳам бошқа халқлар қатори жаҳон маданияти ҳазинасига катта хисса қўшган. Кўпгина моддий ва маънавий бойликлар чет эл босқинчиларининг кўп асрлар давомида Ўрта Осиё халқларига қарши босқинчилик урушлари оқибатида йуқолиб кеттиган. Шу сабабли бу халқларнинг Ўрта асрла маданиятининг ҳақиқий ўрганиш анча мушкул.

В аср охирларига келиб, Рим империяси қулайди. Шу муносабат билан қадимги Римда фан ва маданият тушқунликка юз тутади. Европада

Ўрта асрлар бошида ижтимоий - маданий ва сиёсий ҳаётда диннинг таъсири нихоятда кучаяди.

Дин илм-фан ва маърифат тараққиётига катта тусқинлик килади. Бунинг оқибатида Ғарбий Европада фан ва маданият тараққиётни деярли тўхтаб қолади. Тарихий манбалардан билишимизча математика соҳасида XII асргача ҳеч қандай ижодий иш юзага келмайди. Аммо VII-XIII асрларда дунёning бошқа бир томонида-Шарқда математика, астрономия фанлари тараққиётидаги жуда катта ютуқларга эришилади. Маданият марказларидан бири булган Ўрта Осиёда яшаган халқлар жуда Қадим замонлардан бери Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Кавказ ва бошқа мамлакатларнинг халқлари билан "Буюк инак йули" оркали савдо-сотик, сиёсий маданий алоқа килиб туради. Ўрта Осиё халқлари илм-фан соҳасида бу мамлакатларнинг халқлари яратган янгиликларни кунт билан урганадилар ва узлари хам Шарқда илм - фаннинг тараққиётига катта хисса күшадилар.

Ўрта Осиёда фан ва маданиятни жуда оғир тарихий шароиттада - халқ оммасининг махаллий ва чет эл золимларига қарши олиб борган кураши шароитида тараққий этади. Шунинг учун хам миллий ўзликини тиклаш масаласи Ўзбекистон мустакилларга эришгандан кейин мамлакатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Таълим тизимида ислохотларнинг бош мақсади – янги авлодни шакллантиришга йўналтирилган тадқиқотларнинг бориши ва натижалари юзасидан чукур таҳлиллар ўтказиш, таълим стандартлари, ўкув режалари ва дастурларига тегишли ўзгартишлар киритиш керак. Замонавий янги дарсликларни, педагогик ва ахборот технологиясини ўз вактида ишлаб чикиш лозим. Ўқитувчи болаларда мустакил Ўзбекистон манбаатларига хизмат киладиган сифатларни тарбиялаш учун куйидагиларга алоҳида эътибор бериши керак:

1. Ватанга мұхаббат, миллий үзини аңглаш. Аввало, үқитувчининг үзи ана шу олижаноб фазилатларға эга бўлиб, ўз нутки орқали ҳам шу гояларни ўқувчилар онгига сингдириб бориши лозим.

Миллий ватанпарварлик туйгуларини шакллантиришда эса болаларни кўпгина илмий гоялар бизнинг мамлакатимизда пайдо бўлганлигини, унинг ҳалқи орасидан кўпгина йирик олимлар етишиб чикканлиги хақида гапириб бериш лозим.

Математика дарсларида, тўгарак машгулотларида ҳам үқитувчи ўқувчиларни ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги буюк олимларнинг таржимаи ҳоллари, уларнинг илмий хизматлари билан таништириб, ўз ҳалқимиз, унинг математика фани тараққиётига кўшган хиссалари билан ғуурланиш туйгуларини сингдириши керак. Масалан: буюк ўзбек математик олими (Фарбий Европа олимлари алгебрани унинг асарларидан ўрганиб, шу фанни ҳам у атагандек, «Алгебра» деб атаган) Ал-Хоразмий таржимаи ҳоли билан таништириш керак.

2. Мехнатга мұхаббат ва кўнирма ҳосил қилиш - илмга бўлган мұхаббатдир. Мехнатга кўнирма тугма ҳусусият эмас, уни инсон үзи ҳосил қилиши керак. Бошланғич синф үқитувчиси дарсларда ўқувчиларга дарс материалларини чукур тушунтириб, уй вазифаларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб боради.

Бир қараңда математиканинг бу ишга қўшаётган ҳиссаси чеклангандек туюлади. Бирок аслида бундай эмас. Математика табиат хақидаги фанлардан бири бўлиб, айрим умумий гояларга олиб келиш орқали дунёкарашни шакллантирга алоҳида ўрин тутади.

Бошланғич мактабда математика үқитиш методи ҳам барча бошка фанлар каби, миллий тарбиянинг умумий масалаларидан ва математик материалнинг ўзига ҳослигидан келиб чиккан ҳолда ўз вазифасини белгилаб олиши керак. Мактабда математика үқитишнинг энг мухим вазифаси бу

фанни ўқувчиларга чукур сингдиришdir. Ма сматикани методик жиҳатдан тўғри ўқитиш бир қатор мафкуравий масалаларни ҳал қилишга ҳам катта ёрдам беради.

Куйи синфларда миллий мафкура асосида тарбия математика дарсларида тарихий материалларни кўлланишда амалга оширилади. Ўқитувчи математика тарихи мъалумотларидан фойдаланган холда дастурни ўзлаштиришни осонлаштириши, ўқув жараёнини жонлантириши мумкин. Натижада энг кийин назария ҳам жуда тушунарли бўлади.

Бошлангич синф ўқитувчисининг энг масъулиятли вазифаси ўқувчилар билан муомала қилинча ўз хулқ-автори тўгрисида чукур ўйлаб кўриш, ўқитиш услуги, ўқувчилардан талаб қилиш тизими, шундан келиб чиқадиган тарбиявий таъсир Ўзбекистонимиз манбаатига мувофиқ келиши керак.

Мустакил Ўзбекистон куч-кудратини мустаҳкамлаш ёш авлод зиммасига тушади. Миллий мафкурунинг барча ҳаракатлантирувчи кучлари унинг равнаки, халқининг фаровонлиги ва тарихий маданиятини тиклашга қаратиш ёшлар зиммасидадир. Бунинг учун ёш авлод қатъиятли, тўсиклардан кўркмайдиган, аксинча, уларга карши дадил борадиган, отабоболари каби билимдон бўлишлари керак

Илмий гоявий дунёкараш мактабда ҳамма фанларни ўрганиш орқали шаклланиб боради. Яъни фан асосларини ўрганиш табиат ва жамият ҳакидаги умумий тасаввурларнинг шаклланиши учун манба бўлади. Бу мъалумотлар асосида чиқариладиган табиий илмий хulosалар эса мъалум фалсафий ишловдан кейин илмий гоявий дунёкараш элементлари вазифасини бажаради.

Илмий дунёкараш деганда илмий мъалумотларга асосланган табиат ва ижтимоий воқелик ҳакидаги карашлар силсиласи тушуниллади. Уни тар-

биялаш бутун муаллимлар жамоасининг масъулиятли ва мураккаб вазифасидир.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, илмий дунёкарашни тарбиялаш иложи борича эрта бошлангани маъкул. Мактабгача тарбия, мактабда ривожлантирилади. Ҳар бир синф ўқувчиси энг кичик ёшдан бошлаб, ёшига мос, яхлитланган дунёкарашга эга бўлиши ва йил сайин бу дунёкараш чукурлашиб, кенгайиб ва бойиб бориши лозим.

Дунёкарашни тарбиялаш имконияти табиий фанларда кўпроқ. Физика ва кимё дарсларида модда тузилишининг сирлари очиб берилади, биология дарсларида жонли табиат конуниятлари ўрганилади, табииёт илмида коинот тузилиши намойиш қилинади ва хоказо. Бунинг учун бошлангич синфларда тарихий материалларни ўргатиш жараённида мустахкам замин тайёрланади.

Табиий фанлар, шу жумладан, математика ўқитиувчилари олдида ҳам, ўзлари бераётган билимларнинг тарбиявий йўналишини, айниқса, илмий - гоявий имкониятини очиш вазифаси туради.

Илмий хulosалар ўкув маълумотларининг мазмунидан келтириб чиқарилмоғи ва синфдан-синфга кўчган сари чукурлаштириб борилмоғи лозим. Бу ўринда гоявий тарбиянинг қўйидаги имкониятларидан фойдаланиш мумкин:

- математик тушунчаларнинг келиб чиқиши ва математика тарихига оид маълумотларни ўрганиш вактида;
- моддий дунёнинг микдорий муносабатлари ва турли табиий воеликларнинг ўлчамлари билан иш олиб борганда;
- мавжуд дунёни илмий билиш методлари (кузатиш, такрорлаш, умумлаштириш) билан танишиш орқали;
- ўқувчиларни фан техниканинг ҳозирги замон ютуклари билан таништиришда ва х.к.

Инсон (айникса бола)нинг маънавий эҳтиёжларидан бири билишга интилишдир. Болаларда бу эҳтиёж атрофдаги нарса - буюмлар, умуман, атрофда содир бўлаётган воқеаларни кузатишдан .

Дарснинг ғоявий савияси деганда ўкувчиларга билимларни ҳозирги замон фани далилларига мувофиқ ва миллий халқ мътифатпарварлиги нуктаи назаридан туриб баён килиш, шу билимлар орқали ўкувчиларда илмий дунёкарашни шакллантириш тушунилади. Ана шу максадни дарснинг мазмунига сингдириш ва уни изчил баён этиш ўқитувчининг методик маҳоратига боғлик. Математикани ўқитиши жараёни эса ёшлиларни илмий ғоявий тарбиялашнинг самарали имкониятларига эга. Мактабда математикани ўқитиши орқали қўйидаги тушунча ва тасаввурларни шакллантириш мумкин:

- a) математика илми атрофимизни ўраб олган атрофдаги нарса ва воқееликни кузатиш ҳамда улар устида бажариладиган амаллар, тажрибалар орқали вужудга келгандигини;
- б) математиканинг бошқа фанлар тизимида туттан ўрнини ва улар билан боғланиши;
- в) жамият тараққиёти билан математика фани ривожланиши ўртасидаги боғланиш;
- г) моддий борликнинг математика ёрдамида акс этиши ва ифодаланиши.

Математикани ўқитиши жараёнида тарбияни ўкувчиларнинг ёши ва билимига мос равища сонлар ва уларнинг хоссалари билан таништиришдан бошлаш мумкин. Масалан, қўйи синфларда кўп хонали сонларни ўрганишдан бошлаб, юкори синфларда сонлар хонасини кенгайтириш ва ниҳоят натурул сонлар тўғрисидаги билимларни орқали ўкувчилар ҳамма сонлар инсон амалий фаолияти, унинг ҳаётий эҳтиёжи ва тажрибаси натижасида пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қиласидилар.

Сонларнинг хоссаларини ўрганиш вақтида бу хоссалар турлича қарашлар ва хурофий назариётчилар томонидан қандай талқин қилинганлиги ҳакида сұхбат ўтказиш мүмкін. Бундай сұхбатлар охирида ўтказиладиган машқулар натижасыда ва сонларнинг мұхым хоссаларини ўрганиш орқали ўқувчиларни сонли тасаввурлар билан таништириш мүмкін.

Дастрлаб, тарихий материаллар таркибидә мавжуд бўлган хикоя, эртак, масалалардан ўринилған фойдаланиш лозим бўлади. Бунга шу ёшдағи боланинг кўпинча уйда ва мактабда шуғулланадиган асосий фаолияти бўлга ўкиш, муомала, ўйин ва меҳнат ёрдам беради. Етти ёшга тўлғунча болаларда маълум обьект ва ҳодисалар ҳакида фақат репродуктив, айни пайтда идрок этиб бўлмайдиган тимсолларни пайқаш мүмкін, бу тимсоллар асан ахборот маъносидадир.

Ўқишига келиши билан бола шахсига тарбиявий таъсир кўрсатадиган тенгдошлари, ўқитувчилар, мактаб ўқув кўлланмалари орқали катта йўл очилади. Ўқиши ҳисобига оммавий ахборот воситалари орқали алоқалар кенгаяди, унга муайян даражада таъсир кўрсатадиган ахборот оқими кучаяди. Бола мактабга бориши муносабати билан оиласининг тарбиявий таъсири бирмунча сусаяди, чунки у билан мактаб яхшигина ракобат қила бошлайди. Энди боланинг кўпроқ вақти оиласдан ташқарида ўз тенгкурлари, ўқитувчилари билан турли вазиятларда муомала-муносабат килган ҳолда кеча бошлайди. Куйи синфларда ўқиётган вақтида болага оила билан мактабнинг таъсири деярли бир хил бўлади. Бу масалада тарихий материаллардан фойдаланиш айникса катта аҳамиятга эга.

Математика машғулотларида сонларнинг хоссаларини ўрганишдан ташқари, айрим математик олимларнинг ҳаёті билан ҳам таништириб борилади. Бу сұхбатлар давомида албатта уларнинг яраттан кашфиётлари ҳакида илмий - ғоявий маълумотлар берилади.

Ўқитувчи ўз имкониятига қараб тингловчиларни ҳалқ ичидан етишиб чиқкан олимларнинг фикрлари ва маърифатпарвар гоялари билан, уларнинг фанга бўлган қўшган хиссалари, математикага доир ишлари билан таништириб борса, ўкувчиларнинг фанга қизикиши ортади ҳамда ватан-парварлик тўйгуси дунёкараши ҳам шакллана боради.

Ўрта Осиёда яшаб ижод қилиган Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Ҳаким ва Собир Термизийлар, Фирдавсий, Рудакий ва бошка буюк мутафаккирлар ўзларининг бутун ижодий фаолиятларини Ватанда илм-маърифатни ривожлантиришга бағищладилар.

Булар илк ўрта аср шароитида ниҳоятда озчиликни ташкил қилиган эдилар. Уларнинг хизматлари ўз замонасида инобатга олинмади, айримлари моддий начорлик, кувгин ва таъкиб остида яшадилар. Илмий гояларни тарғиб қилганларлари учун кўпгина мутафаккирларнинг ҳаётни фожиали тугади.

Улуғбекнинг илмий фаолияти ва маданий мероси тарихини ҳам ўкувчиларга мукаммал тушунтириш зарур, чунки Улуғбек давлат маъмурий, сиёсий ишлари билан банд бўлишига қарамасдан жаҳоншумул аҳамиятга молик илмий ишларни бажаради, мамлакатнинг маданий юксалишига алоҳида зътибор беради. 1417-1420 йилларда Ўрта Осиёнинг Йирик марказлари бўлган Бухоро, Ҳўжанжакон (жозирги ғиждувон) шаҳарларида замонавий мадрасалар курдириди. Бухорода курдирган мадраса дарвозасининг пештокига кўпдан-кўп юлдузлар расмини чиздирди. Илмга интилиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир деган шиорни ёздириб кўйди, хотин-қизларни илм-маърифатли бўлишга даъват этди.

Улуғбек илмий фаолиятининг марказида астрономик текшириш ишлари турган. Шунинг учун ҳам 1429 йилдаёк расадхона қурдириб, осмон жисмлари харакатини текшириш ишларини бошлаб юборди. Улуабек ўз атрофига Қозизода Румий, Фиёсид дин Жамшид, Али Күшчи каби ис-

тэйдодли кўплаб олимлар, астрономия мактабига асос солди. Бу бизнинг миллий ифтихоримиздир.

Миллий ифтихор ҳам миллий ўз-ўзини англашнинг кўринишидир. Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиши билан миллий ифтихор, миллий хис туйгулар намоён бўлади. Ўзликни англаш миллатнинг тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналарини ҳар тарафлама чукур билиш максадга мувофиқдир .

Ўзбек миллатининг тарихий таркиб топиши, миллат маънавияти (тил, фан, маданият, давлат, турмуш тарзи, тархий обидалар ва х.) гуркираши ўзликни яна бир бор англатади, Шунинг учун биз бошлангич синфларда математика ўқитиш жараённанда миллий ўзликни англатувчи асосий йўналишларга тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Булар:

1.Халқ оғзаки ижодиётидаги математик тушунчаларни тарбияловчи омилилар:

2. Мутафаккир олимларни ҳаёт тарзи:

а) айрим лавҳалар;

б) математикага қўшган хиссаси;

в) қадимий обидалар орқали математик (геометрик) тушунчаларни шакллантириш;

г) мадрасалар, миноралар, тарихий обидалар турли қурилишлар Ўрта Осиёда арнамент-графика жуда ривожланган бўлиб, улар эса геометрик фигуранларга (тўғри тўртбурчак, квадрат, ромб, трапеция, айлана, эллипс, доира, учбурчак ва х)га асосланган.

д) вакт ўлчовига доир қадимий фикрлар;

Натижка қўйидаги тушунчалар шаклланади:

1. Ватан сатҳини хисоблаш орқали ватанпарварлик хиссими тарбиялаш.


2. Вактни тежаш

3. Қадимий меросни асраш
4. Мехнатни қадрлаш.
5. Зукколик, топқирилик .

4. МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ БИЛИМ БЕРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бошлангич математика курси, ўз тузилишига кўра, уч фанни ўз ичига олади унинг таркиби арифметика, алгебра ва геометрия тушунчаларидан иборат. Ўкувчиларга масалалар счиш, каср тушунчаси, асосий микдор, уларнинг ўлчов бирликлари тўғрисидаги билимлар ана шу фанлар билан узвий боғлик холда ўргатилади. Буларнинг барчаси куйидаги чизмада ўз аксини топган.

Башлангич	синф
ўқитувчиси	математика
фанидан	тузилган
дастурга	биноан
ўкувчиларга	куйидаги
билимларни	бериши
наزارда тутилади:	



- бутун номанғий сонларни номерлаш (10,100,1000, концентрлар ичидә ва кўп хонали сонлар);
- асосий микдорлар (узунлик, оғирлик, ҳажм, вакт, геометрик фигуналарнинг юзи) ва уларнинг ўлчов бирликлари;
- арифметик амаллар (кўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш);

- матнли масалалар (содда ва муракқаб масалалар);
- алгебраик материал (тенглик, тенгсизлик, тенглама, ўзгарувчи тушунчалар, ҳарфий ва сонли ифодалар)
- геометрик материал (энг содда геометрик фигуранлар, кўп, бурчак периметри, тўғри тўрт бурчак, квадратнинг юзи ва ҳоказо).

Тадқиқотимизнинг яна бир, мақсади юқорида кўрсатилган мавзуларни математика тарихи билан боғлаган ҳолда ўкувчилар онгига сингдиришдан иборат. Шу материалларни синфлар бўйича эмас, балки мавзулар бўйича жойлаштиришни афзал топдик, чунки мавзулар синфдан синфга ўтган сари мураккаблашиб боради.

Бошлангич мактабда ўқитиладиган ўкув материалининг ўзига хос хусусиятлари - ўкув материалини баён қилишда куйидаги дидактик принципларга эътибор берилади:

- кўрсатмалилик принципи;
- ўкув материалининг изчилиллик принципи;
- ўкув материални қабул қилиш принципи;

- ўкув материални баён қилишда илмийлик, кетма-кетлик, фаоллаш ва мустақилиллик, индувидуалиллик ва бошқа принциплар билан биргаликда изчилиллик принципи ҳам мухим аҳамиятга эга эканлиги ҳакида жуда кўп педагог олимлар каторида Н.У.Бикбаева, М.Ахмедов З.Г.Таджиева Р.Ибрагимов, М.Жумаев ва бошқаларнинг ишларини қайд этиш мумкин. Бу ишларнинг барчаси ўзининг тизими ва мантиқий йўналишида ўкувчиларнинг билим савиясидаги камчиликларни тўлдириб, шакллантириш, ривожлантириш учун зарур бўлган компонентларни ўрганиш эски билимларни мустахкамлаб, янгилаб яна ҳам янги билимга олиб ўтиш чора тадбирларини изчилиллик принципи орқали амалга ошириш мумкин эканлиги ҳакида ўз фикрларини

күйиб дидактик принципларни қайси бири шу үринде ишлатыш мүмкін эканлығы хакида үз фикрларнини билдирады.

Бошлангич синф үкүвчиларига математикадан самарағы тәртіл барып учун бұлажак үкитүвчи бошлангич синфлар учун ишлаб чындықтан математика үкитиш методикасын чукур үзлаштырып жаруру.

Математика бошланғич тәълими методикасының предмети

1.Математика үкитишдан күзда түтилгән мақсадни ассоцлаши математика (Нима учун үкитилади, үргатылади).

2.Математика ўқитиши мазмунини илмий ишлаб чиқиши (нимани ўргатиши) тизимлаштирилган билимлар даражасини ўкувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган килиб қандай тақсимланса, фан асосларини ўрганишда изчилик таъминланади, ўкув ишларига ўкув машғулотлари берадиган юкламалар бартараф килинади, таълимнинг мазмунини ўкув-чиларнинг реал билиш имкониятларига мос келади.

3. Ўқитиш методларини илмий ишлаб чиқиши (кандай ўқитиш керак, яни ўкувчилар хозирги кунда зарур бўлган иктиносидий билимларни, малака, кўнингмаларни ва аклий фаолият кобилиятларини эгаллаб олган бўлишлари учун ўкув ишлари методикаси кандай бўлиши керак?

4. Ўқитиш воситалари – дарслуликлар, дидактик материаллар, кўрсатма кўлланмалар ва техник воситаларни ишлаб чиқиши (нима ёрдамида ўқитиш).

5. Тълимни ташкил килишни илмий ишлаб чиқиш (дарсни ва тълимнинг дарсдан ташқари формаларини қандай ташкил этиш).

Хозирги замон математикаси натурал сон түшүнчесини асослашда түплемлар назариясига таянды.

Ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методлари, воситалари ва формалари методик тизимининг асосий компонентларида мураккаб тизим бўлиб уни ўзига хос график билан тасвирлаш мумкин.



Ушбу тузилишдан фойдаланиш методлари ҳакида ҳам ўз фикрларини баён қиласди. Лекин математикада ўқув материали мазмунидаги тарихий материалларни киритиш ва унинг максади доим ҳамоҳанг бўлиб қатнашишини тажрибада синаб кўрдик. Чунки математикадан тарихий материалларни ўрганиш мумкин бўлган мавзулар, масалан, "Ўнлик", "Улуш", "Кесма" ўрганилган мавзу мазмуни ва мақсади бевосита тенг кучли эканлиги ва мавзуни мустаҳкамлаши, тўлдиришини кўриш мумкин. Шу боис ўқитиш жараённида изчиллик принципи ўзининг тузилиш компоненти бўйича ва дидактик компоненти бўйича куйидагиларни бажарилишини кўриш мумкин:

- изчиллик педагогик категория сифатида;
- бутунлик - дастурлик - йўналтирувчи компоненти сифатида;
- ўқув тарбиявий жараённи тизимга келтирувчи омил сифатида;
- ўқув предметларининг орасида асосий конуниятларни, тушунчаларни, омилларни, воқеликни боғловчи педагогик компонент сифатида;
- компонентларни қатнашишини кўриш билан биргаликда бевосита ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш.

Хулоса килиб айтганда: 1) ўқувчилар учун математика тарихидан кисқача маълумот бериш жараённида янги тушунчаларни татбиқ этиш, янги мавзуларни тушунтиришда, агар улар кимлар томонидан, қаерда қачон қашф этилганилиги маълум бўлса, ўқитувчи уларни таъкидлаб ўтиши керак. Бу ахборотлар кўп вактни олмайди, лекин улар дарсни қизикарли килади. Ўқувчи математика тарихи қандай ривожланганлиги, унинг манбаларини кўз олдига келтиради, инсон акли қандай тараққий этганилигини тушуниб етади.

Масалан, узунликни ўлчашга бўлган эҳтиёж инсониятни арифметик касрларни қашф этишга олиб келади. Бевосита ўлчовлар ўтказили учун ишнинг ўзи етарли эди. Лекин айрим ҳолларда узунликни бевосита ўлчаб бўлмайди. Шунинг учун бошқа, яъни ўлчанган узунлик билан боғлик равишда ўлчашга тўғри келади. Худди шу ўринда қадимги юнонлар узунликни ифодалаш учун рационал сонлар этишмаслиги ва иррационал сонлар топиш муаммосига дуч келадилар.

- 2) математик тушунчанинг ҳаёт инъикоси эканлигини тушунтириш.
- 3) математик назариянинг ҳаётга татбиқ этилишини тушунтириш.

Математика ўқитиши методикаси бошқа фанлар, энг аввало, математика фани – Ўзининг базавий фани билан узвий боғлик.

Математика ўқитиши методикаси умумий математика методикасига боғлик. Умумий математика методикаси томонидан белгиланган қонуниятлар кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган ҳолда бошланғич математика ўқитиши методикаси томонидан ишлатилади.

Бошланғич синф математика ўқитиши методикаси педагогика ва янги педагогик технология фани билан узвий боғлик бўлиб, унинг қонуниятларига таянади. Математика ўқитиши методикаси билан педагогика орасида икки томонлама боғланиш мавжуд. Бир томондан, математика методикаси педагогиканинг умумий назариясига таянади ва шу асосда шаклланади, бу

хол математика ўқитиши масалаларини хал этишда методик ва назарий яқинлашишнинг бир бутунлигини таъминлайди.

Иккинчи томондан – педагогика умумий қонуниятларини шакилантиришда хусусий методикалар томонидан эришилган маълумотларга таянади, бу унинг ҳаётйлиги ва конкретлигини таъминлайди.

Шундай килиб, педагогика методикаларнинг конкрет материалидан “озикланади” ундан педагогик умумлаштиришда фойдаланилади ва ўз на-вбатида методикаларни ишлаб чиқишида йўлланма бўлиб хизмат киласди.

Математика методикаси педагогика, психология ва ёш психологияси билан боғлик. Бошлангич математика методикаси таълимнинг бошқа (она тили, табиатшунослик, расм ва бошқа фанлар) методикалари билан боғлик. Предметлараро боғланишни тўғри амалга ошириш учун ўқитувчи буни хисобга олиши жуда муҳимдир.

Илмий тадқиқот методлари – бу қонуний боғланишларни, муносабатларни, алоқаларни ўрнатиш ва илмий назарияларни тузиш мақсадида илмий информацияларни олиш усуслариидир.

Кузатиш, эксперимент, мактаб хужожатларини ўрганиш, ўкувчилар ишларини ўрганиш, сұхбат ва анкеталар ўтказиши илмий-педагогик тадқиқот методлари жумласига киради.

Сўнгги вақтларда математик ва кибернетик методлардан, шунингдек, моделлаштириш методларидан фойдаланиш қайд килинмоқда.

Бошлангич математика ўқитиши методикаси бутун педагогик тадқиқотларда янги педагогик технология ютукларида қўлланиладиган методларнинг ўзидан фойдаланилади.

5. БОШЛАНГИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШГУЛОТЛАРДА ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

Бошлангич синф математика дарсларида тарихий материаллардан фойдаланишдан максад ўкувчиларда математикага доир дастлабки тушунчаларни ҳосил қилиш, мавзунинг характеристига кўра тарихий материалларнинг узвийлигини таъминлаш учун дастлабки педагогик шарт-шароит яратишдир.

Математика дарслари самарадорлигини оширишда тарихий материаллардан фойдаланишда кўйидаги максадлар кўзда тутилди:

- 1.Ўкувчиларни математик билим ва тасаввурларини чукурлаштириш.
- 2.Дарсда бериладиган тарихий тушунчаларга қизиқиш ва эҳтиёж уйғотиш.
- 3.Авлод аждодларимиз меросига чукур ҳурмат ва муҳаббат билан қараш.

Ушбу вазифани амалга ошириш кўйидаги дидактик шартларга амал килдик.

Математика ўқитиши жараённида изчиллик принципининг амалга оширилишида мавжуд дидактик шароит асосан, кўйидагилардан иборат эканлигига тажрибамиизда ишонч ҳосил қилдик:

-айрим дидактик жараёнларни соддадан мураккабга боришга мослаш натижасида:

- ўкув материалини баён қилишда зарурий методларни кўллаш.
- ўкув материалини баён қилишда, ўрганишда назария билан амалиётни бирлигини муҳим ва камроқ муҳим бўлган компонентлари билан боғлаш жараённида:

- ўкув материалини пухта ўзлаштиришни таъминлашни ва келгусида-
ги ўкув материалига боғланишини олдиндан овоза килиш асосида:

- шу шароитларда изчилилк принципидан ўз ишларимизда фойдала-
нишга ҳаракат қилинди.

Изчилилк принципи ўзини тузилишига ва функционал ёндашишга
асосан ўқитиш ва ўргатиш жараёнида мухимлигини куйида келтирилган
фикрлар тасдиқлайди.

Масалан, Ҳиндистон ривоятларида соннинг келиб чиқишини Брахман ху-
досига боғласалар, Хитойда сонни инсонга худо томонидан тошбака ва
аждаҳоларнинг орасига ёзиб юборилганлиги ҳакида ривоятлар бор. Қади-
мий юнонлар эса, сонни Прометей топганлиги ҳакидаги афсоналарни тўп-
лаганлар.

Пифагор ва пиғагорчилар эса сон табиатидаги нарса ва ҳодисалар-
нинг асоси деб талқин қиласалар. Уларнинг таълимотича, жисмларнинг
устки қавати чизиқ билан ўралган, чизиклар эса, нукта билан чегараланган.
Шунинг учун ҳам улар оламни билиш - бу оламни идора килувчи сонни
билишдан иборат бўлмоғи керак, деб хисоблайдилар.

Пифагорчиларнинг таъкидлашича, мистик 1 раками табиатдаги ҳам-
ма нарса ва ҳодисаларнинг асоси, баҳт-саодат ва сахийлик келтирувчи сон
сифатида талқин қиласинди. Рим раками эса мукаммал, яъни тўла маъноли
сон деб аталади ва ўзидан олдинги натурал сонлар йигиндисига тенг
бўлган ягона сон сифатида унга алоҳида ихлос билан каралади.

Икки минг йил ичиди Архимеднинг кўп асарлари йўқ бўлиб кетган,
албаттa, лекин қолган асарлари ҳам уминг буюк олим эканлигига гувоҳдан
бера олади.

Масалан:

1. Йигинидини ўнг қулай уеул билан хисобланг.

87 + 68 + 13

79 + 46 + 21

$$163 + 86 + 37$$

$$193 + 79 + 7$$

$$39 + 24 + 17 + 44 + 56 + 83 + 76 + 61$$

2. Олтита тақсимчанинг биринчисига битта конфет, иккинчисига учта ва ундан кейингиларига олдингисига караганда иккитадан ортиқ конфет солинган. Олтита тақсимчадаги конфетларни тақсимчадан олмасдан, тақсимчаси билан уч кишига баравардан қандай тақсимлаш мумкин?

1703 йилда математика ва навигацион мактаб учун маҳсус равишда Леонтий Филиппович Магницкий "Арифметика, сиречь наука числительная" номли дарслик яратади. Бу ўз даври учун ажойиб китоб эди. XVIII асрнинг биринчи ярми давомида бир қанча авлод арифметикани шу китобдан ўрганади.

Магницкийнинг катта хизмати шундан иборат эдик, у ўзининг "Арифметика"сида биринчи марта сонларни номерлашнинг арабча тизимини киритади, бу тизим ўша даврга қалар кўлтаниб келинган славянча номерлаш тизимини сикаб чиқаради.

Магницкий "Арифметика"сида факат арифметик маълумотларгина берилмай, балки алгебра, геометрия ва тригонометрияга доир материаллар ҳам берилган. Бу китобдан олинган масалалар.

1. Бир киши бир йилга одам ёллаб, унга 1200 рубль пул ва бир пўстин бермокчи бўлиди, лекин у етти ой ишлаб, кетмокчи бўлиб хўжайндан пўстин билан тегишли пулни беришни сўрабди. Хўжайини унга 500 рубль пул билан пўстинни берибди. Пўстин неча пул туради? (Жавоб 480 рубль).
2. Тошкентдан Термизга бир киши юборилди ва унга хар куни 40 чакирим йўл босиш буюрилди, эртаси кун унинг кетидан яна бир киши жўнатилди ва унга хар куни 45 чакирим йўл босиш буюрилди. Иккичи киши биринчи кишига неча кунда етиб олади? (Жавоб 8 кунда).

Шунга ўхшаш қизиқарли машклар ҳакикатан ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Уларни математик ҳакиқатларни ечишга ундейди. Шу билан бирга, уларда ирода күнт, айниқса, ғоявий эътиод ва катъийлик каби фазилатларни тарбиялайди.

Яна биттә машқ ўқувчиларда яхши қизиқиш уйғотади. Чунончи, 30 сонини ёзинг, яна учта 3 ва амал ишоралари ёрдамида 1 дан 10 гача бўлган сонларни ёзинг.

Бу машқни бажарипп натижасида ўқувчилар факат билим ва ақлий меҳнат туфайлигина ҳар қандай кийин масалани ҳам ечиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиласидилар.

$$\begin{array}{lll} 30 : 3 - 3 * 3 = 1 & 30 : 3 - 3 - 3 = 4 & (30 - 3 - 3) : 3 = 8 \\ 30 : (3 + 3) - 3 = 2 & 30 : (3 * 3 - 3) = 5 & 30 : 3 - 3 : 3 = 9 \\ (30 - 3) : 3 : 3 = 3 & (30 - 3) : 3 - 3 = 6 & 30 * 3 : 3 : 3 = 10 \\ (30 - 3 * 3) : 3 = 7 & & \end{array}$$

Шунга ўхшаш, 5 сонининг хоссаларига доир ажойиб далилларни кўриш мумкин. Чунончи, 5 сони биринчи жуфт сон билан биринчи ток соннинг йигиндиси ($5 = 2 + 3$). Ҳакикатан, бу далил қизикар-ли ва бошка сонларда учрамайди. Қадимда бу вожеликни саломатлик, адолат ва иттифоқ рамзи сифатида талқин қилганлар. Шунинг учун мунтазам бешбурчак саломатлик рамзи сифатида хозир ҳам тиљга олинади.

5 сонининг ҳар қандай даражаси ҳам 5 рақами билан тугайди.

$$5^2 = 25 \quad 5^3 = 125 \quad 5^4 = 625, \dots$$

Бу жараён чексиз давом этганлиги учун уни айланма сон деб ҳам атаганлар ва вақтнинг ўтишига қиёс қилганлар.

Мисрликлар 5 сонининг яна бир хоссасини кашф қиласидилар. Унинг квадрати ўзидан олдинги иккита сон квадратининг йигиндисига тенг ($5^2 = 4^2 +$

3^2). Бу хосса турмуш тажрибасидан келиб чиқсан бўлса ҳам, уни 5 нинг илохий хоссаси деб атаганлар.

5 сонининг хоссасига доир яна бундай машқ ўтказиш мумкин: истаган сонни ўйланг. Уни иккига кўпайтириng. Кўпайтмага 5 ни кўшиng. Натижани яна 5 га кўпайтириng. Унга иккисиздан 5 ни кўшиng ва уни иккисиздан 5 га кўпайтириng.

Ҳосил бўлган охирги натижадан фойдаланиб, ўйланган сонни топиш учун ундан 350 ни айриш керак. Ҳосил бўлган айрманинг юзлар хонаси ўйланган сонни билдиради. Масалан, ўйланган сон 7 бўлсин. Кўйидаги ишлар бажарилади: $7 * 2 = 14; 14 + 5 = 19; 19 * 5 = 95; 95 + 2 * 5 = 105;$ $105 * 10 = 1050.$

Бошқарувчи $1050 - 350 = 700$ айрмани топади. Ўйланган сон $7.$

Шунга ухшаш 7 сони баҳт, ззгулик, яҳшилик ва хайрихонлик келтирувчи сон деб хисобланган бўлса, 3 сони баҳтсизлик, ёзузлик, оғат келтирувчи сон деб хисобланган.

7 сонининг хоссаларини яна ҳам орттириб, уни мукаддас сон дараҷасига кўтарилган. Шу сабабли жуда кўп одатлар, иримлар 7 сони билан боғлик. Етти ўлчаб, бир кес, Етти киши бир кишини кутмайди каби ҳалқ мақоллари ҳам 7 сонининг хислатига боғланади.

7 сонининг хоссаларига доир яна кўйидагича мисолларни тавсия этиш мумкин:

1. Кўпи билан тўртта 7 рақамли, кавс ва амал ишоралари ёрдамида 1 дан 10 гача бўлган сонларни ёзинг:

$$(7 + 7) : (7 + 7) = 1, 7 : 7 + 7 : 7 = 2, (7 + 7 + 7) : 7 = 3, \dots$$

2. Мунтазам олтибурчакнинг учлари ва ўртасига $1, 2, 3, 4, 5, 6, 7$ рақамларини шундай жойлаштирингки, ҳар бир диагоналдаги учта соннинг йигиндиси 14 бўлсин.(10 бўлсин, 12 бўлсин). $1, 2, 3, 4, 5, 6, 7.$

7 сонининг хоссаларига доир бундай машқлар и ечиш натижасида ўкувчилар ўзлари бу сонда ҳеч қандай сехр йўклиги ў ишонч хосил киладилар.

Юнонларнинг хоссаларини ўрганишни давом эттириб 9 сони устида тўхтаб ўтиш мумкин:

1. 9 сонининг истаган натурал сон билан кўпайтмасининг ракамлар йигинидиси 9 га бўлинади. Бу коссами яхши ўрганган пифагорчилар 9 сонини доимиийлик рамзи деб атаганилар.

2. Истаган уч хонали сонни 999 га кўпайтирганда 6 хонали сон осил бўлади. Кўпайтма бошидаги учта ракам киритувчидан битта кам сон бўлади, колган учта ракам эса олдиндаги учта ракамни мос равища 9 га келтиради. Масалан: $768 * 999 = 767\ 232$; $457 * 999 = 456\ 543$ ва ҳоказо.

3. Четки ракамлари бир хил бўлмаган истаган уч хонали сонни ёзинг. Шу ракамлардан иборат уч хонали сонни тескари тартибда ёзинг. Бу сонларнинг каттасидан кичигини айринг.

Хосил бўлган айрманнинг биринчи (ёки охирги) ракамини айтмангиз, қолғанларини мен айтаман. (Тушунтириш: ўртадаги ракам 9, четки ракамлар эса, бир-бирини 9 га келтирилади).

Кўриб ўтилган ва шунга ўхшашиб бошқа машқлар орқали 9 сони ўтмишда кўпгина бидъатларнинг келиб чиришига сабаб бўлганига ишонч хосил қилиш мумкин.

Математика фанининг асосий йўналишларидан бири ёзма номерациядир.

Кўп минг йиллар илгари одамларга қурилишлар килиш, ерларни бўлакларга бўлиш, йигилган ҳосилни хисоблаш, таквим юритиш ва санаш ҳамда ракамли амалларни бажаришини талаб киладиган ишларни бажаришга тўғри келган. Барча хисобларни хотирадан саклаш кийин бўлгани учун сонларни ёзуб қўйишга тўғри келган.

Кўплаб халқлар - мисрликлар, Америка аҳолиси ёзув ўрнида расм иероглифлардан, қушлар, ҳайвонлар, одамлар, одам танаси аъзолари тас-

вирларидан ва бошқа нарсалардан фойдаланғанлар. Нарсалар гурухини ифодалаш учун битта шартли белгидан фойдаланилған. Чунончы, қадим мисрликлар иероглифларни күлләгәнлар.

Тахмин килинишича, қозликлар учун иероглиф үлчөв аргамчасини, нилуфар гули мингликни, юқори күтарилған бармок-үн мингликни, бутун бир комнот - үн миллионни англатар экан. Ёзув ҳам, биздагидек, чалдан ўнгга эмас, аксинча, ўнгдан чапга қараға ёзилған.

Кичик Осиёда яшаб, турлы халқлар билан савдо-сотиқ ишларини олиб борған қадим юнонликлар алфавит номерациясидан фойдаланишган. Бу тизимде сон алфавит харфлари билан ифодаланған, лекин улар харфлардан фарқлы үлароқ ракамлар қандайдыр алохидә шаклға зәға бүлған. Масалан, қадим славянларда белгі харф устига қўйилиб, у титл деб аталған. Биринчи тўқкиз харф бирликларни ифодалаган, навбатдаги тўқкиз харф ўнликларни ва колғанлари қозликларни англатган.

Рим ракамлари.

Биринчи синфдаёк математика дарсларида бир сонни турлича шаклда ёзилиши мумкинлиги хакида маълумот берилади. Масалан, амалларни бажариш давомида 1,2,3 каби ракамлар ишлатилади. Бирок масалани сениш жараёнинда амаллар режаларини ўзгача I, II, III ,V-5, X-10, L -50, C -100, D-500, M-1000 шаклда ёзишимиз мумкин. Маслан, марказий Осиёлик буюк математикларимизнинг түғилған или ва вафот этган йилларини Рим ракамлари билан ёзилиши қўйидагича

1. Мухаммад Ал-Хоразмий (783-850) DCCLXXXIII -DCCCL
2. Беруний (973-1048) CMLXXIII-MXLVIII
3. Умар Хайём (1048-1131) VXLVIII-MCXXXI
4. Насриддин Тусий (1201-1274) VCCI-MCCLXXIV
5. Улугбек (1394-1449)MCCCXCIV-MCDXLIX

Рим ракамларини улар билан ой номларини бодлаган холда изчил, кетма-кет киритамиз.

Болаларнинг зътиборини чап томондан ёзилган бирлик уни олиш кераклигини, яъни IV бир кам беш дегандай чаг, ўнг томондан ёзилган бирлик уни қўшиш кераклигини кўрсатади, яъни VI беш ва бир демакдир. Бундай тушунтириш болаларда қизиқиш уйғотади ва уларни IV ва VI сонларини алмаштириб юборищдан огохлантиради ва ҳакозо..

Жуда узок ривожланиш даври натижасида тупламларни таккослаш учун воситачи тупламларни таккослаш учун майда тошчаларни, чиганокларни қуллай бошладилар. Бу воситачи тупламлар энди натурал сонлар тушунчаси куртакларини намойиш кила бошлаган булса-да, бирок бу боскичда хам хали сон саналадиган тупламлардан ажралмаган эди. Масалан, баъзи кабилаларда бешта унсурдан иборат тупламларсаноги "кул" сузи билан, йигирмата буюмдан иборат тупламларнингсаноги "одам" сузи билан белгиланган. Вакт утиши билан сонлар номлана бошлаган. "Сон" тушунчаси ривожланишининг энг муҳим боскичи исобланган. Биз бирлик тушунчасини яратган инсон дахоси каршисида бош згишимиз керак. Сон вужудга келди, у билан бирга математика вужудга келди".

Шундай килиб аста-секин "натурал сон" атамаси кириб келди. Буни биринчи булиб таҳминан 480-542 йилларда римлик олим А.Боэций кўллаган.

Натурал сонлар деб, буюмларни санашда қўлланадиган сонларга айтилади. Буни албатта биз бошлиңгич симфда қўллаймиз. Ўкувчилар онгиши шундай сингдиримб бориншимиз керакки, ракам нима? Сон нима? Буни бир-биридан ажратса билансизлар.

Қадимги замонларда турлича хисоблаш тизимлари бўлган.

Масалан: 5 талаб /кулнинг бармоклари/, 10 талаб /икки кулнинг бармоклари/, 20 талаб /кул оёқ бармоклари/, 60 лик /қадимги бобилликларда/ санок

тизимлари ишлатылған.

12 сони /Франция ва Грузинларда/ позицион тизим үнлик асосда булиб кадимги Ҳинд математиклар кашф этгандан кейин VIII асрға келиб Махаммад-ал Ҳоразмий узининг "Ҳинд хисоби" рисоласида кенг оммага тушунарлы килиб табдик этди.

XV асрда Коший үнлик позицион системада үнли касрларни кашф этади. Ракамларни ёзиш түрли халкларда түрличә бўлган.

Алифбо тартибида номерлаш учча катта бўлмаган сонлар, айтайлик 1009 гача кулайдир, бирок кўп хонали сонларни номерлаш жуда нокулай бўлиб, улардан амаллар тузиш яна хам кийин.

Жамият тараккиёти жараённида бу сон ёзувлари тизими мукаммаллашиб борди. Бирок алифбо тартибида номерлашнинг айрим колдиклари хозиргача хам сакланиб колган. Масалан, биз кўп ҳолларда модда (пункт) ларни хозир хам ҳарфлар билан белгилаймиз. Тўғри, ҳарфлар факат изчилликни ифодалашга хизмат қиласи, аммо миқдорни белгилай олмайди. Биз бу ҳарфлар билан бирор математика билан боғлик ишни амалга ошира олмаймиз.

Кадим вавилонлар сонларни бутунлай бошқача ёзганлар. Улар икки белгидан: I ни ифодалаш учун тўғри пони- V дан, ўнни ифодалаш учун < ётиқ понадан фойдалангандар. Масалан, 32 сони шундай ёзилган <<<VV.

Бу берли улар жуда катта сонларни ифодалаш учун кўлланилар эди. Бу нарсалар юкори синфларда ўрганилади.

Сонларни вавилонча ёзиш тизими кейинчалик Ҳинdistонга ўтиб, у яна хам такомиллаштирилади. Сонни ифодалаш учун (ўтқир нарса билан ерга ёки таҳтага) устунлар натижада үнлик даражалар ҳосил бўлган: биринчи устунга бирликлар кўйилган, иккинчи ва учинчи устунга юзликлар ва х.к. Агар бирон-бир даражанинг бирликлари бўлмаса, тегишли устун

бүш қолдирилган (46. 213-6). Аста-секин бүш устунлар ўрнига нол кўйила бошлаган.

Сон ёзувининг янги тизими Ҳиндистондан бутун дунёга ёйила бошлиди. Бунда бир халқ хиндлардан рақамни эскича ёзишни қолдириб факат сонни ифодалаш йулини қабул қилган бўлса, бошқалар рақам ёзилишини хам қабул қилганлар.

Ҳиндча номерлаш Европа мамлакатларига X-XIII асрларда араблар томонидан киритилган. Шумниг учун арабча рақамлар хозиргача хам сакланиб келмокда. Бироқ у хам бирданига қабул қилинмаган. Деярли XVIII асрга қадар хам бусон ёзуви тизимини қўллаш расмий хужожатлар учун рухсат этилмаган. Бироқ ҳиндча номерлаш устунлиги туфайли у аста секин бошқа тизимларни сикиб чикаради.

Позицион тизим.

Ўкувчилар арифметикани ўрганиб борган давом эттирган сари улар учун позицион тизим тушунчасини билиб олишнинг аҳамияти бекиёс ортиб боради.

Математикани ўрганишда бурилиш даври бўлган бу даврни тўғри баҳолаш учун аввало ўқитувчининг ўзи-ўзига хисоб бериши керакки, бу ўринда гап сонларни нафакат тўғри ёза билишда, шу билан бирга амалларни ёзма равишда бажариш асослари хамда ўнлик бирликларни номералай билишда ҳамдир. Олий даражадаги бирлик паст даражадаги 10 та бирликга эга эканлигини билиш мутлоко етарли эмас (бу хакда болалар биринчи синфданоқ кисман маълумот оладилар), улар айни пайтда факат позицион тизимгина ўнлик тизимидан тўлик фойдаланиш мумкинлигини аниқ тасаввур кила билишлари керак. Одатда, бу икки позицион ва ўнлик тизим бизнинг онгимизда шу қадар узвий бояганиб қолганки, буларнинг фарқини ажратиш учун фикрлашга тұғри келади.

Оғзаки номерлашда сонларнинг талаффуз этилишига алоҳида эътибор берилиши керак. Чунончи, ўн икки ўн иккинчи, йигирма йигирманчи, ўттиз ўттизинчи, эллик эллигинчи.

Сонларни ёзувда ифодалаш аста-секин киришамиз. Болалар ўрганиб олишлари лозим бўлган нарсага эмас, балки қандай холосага келиш лозим бўлган нарсага тўхтalamиз. Улар ракам билан ифодаланган соннинг киймати шу ракам турган жойга боғликлигини тушунишлари керак. Бу далилни аник-равshan тушуниб олиш учун ракам билан сон ўртасидаги фарқни аник-равshan билиб олиш керак.

Болалар ўз машгулотларини сонларни ракам билан ёзишдан эмас, балки сонларни рангли ракамларни картонга ёпиштиришдан бошлайдилар. Нега? Чунки бола «Йигирма» – 20 ни ёзишни билгани билан «Йигирма тўрт»ни – 204 деб ёзib кўйиши ҳам мумкин. Худди шунга ўхшаш агар ким позицион тизимни билмаса, «бир юз тўртни» 1004 (юз ва тўрт) деб ёзib кўйиши мумкин. Бундан ташқари, яхши ўрганмаган одам «бир юз йигирма тўрт»ни 10024 деб ёзиши ҳам мумкин.

Соннинг киймати ракам билан ифодаланган соннинг жойини билишга боғликлигини аник-равshan билган тақдиримиздагина сон эшишишга караганда бошқачароқ ёзилишини тушуна бошлаймиз. Ўқитувчи қадимги даврларда сонлар қандай берилганлиги ҳақида математика ва математика тарихидан мисоллар келтиради.

Катта сонлар ҳарфлар билан ифодаланган бўлиб, минг сўзи ўрнига ҳарфнинг чапдан кўйи кисмига белги кўйилган.

10000 сони ҳам 1 сон каби ўша ҳарф билан ифодаланиб, факат титл кўйилмаган, лекин у доирача билан ўраб олинган.

Катта сонларни ёзиш учун бошқа белгилар кўлланилган.

Бу тизимда жуда кўп ҳалклар: араблар, армянлар, грузинлар, славянлар ва бошкалар фойдаланишган.

Турли даврда ва турли халқларда арифметиканинг мазмуни бир хил булмаганидек, арифметика амал тушунчаси ҳам ҳар хил булган. Масалан, Ҳиндлар арифметик асарида олтита арифметик амал қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш ва илдиз чикаришни ишлатганлар. Ўрта аср Шарқ математиклари ҳиндлардаги олтита арифметик амалга иккилантариш ва яримлостиш амалини ҳам киритганлар. Шарқ математиклари арифметик саккизта амални ишлатганлар.

Шарқ математиклари ишлатиб келган арифметик амал иккилантариш ва яримлостиш, қадимий мисрликлардан бошлаб амал хисобланган. Улар купайтириш булиш ва айришни алоҳида амал хисобламасдан, бу амалларни қўшиш, иккилантариш ва яримлостиш амаллари билан бажарганлар. Бизга маълумки, ҳинд арифметикасида иккилантариш ва яримлостиш булмаган. Лекин ҳинд арифметикасини тарғиб килувчи Хоразмий узининг асарида иккилантариш ва яримлостишни алоҳида амал хисоблайди. Хоразмий бутун сонлар устида амаллар бажаришни биринчи навбатда иккилантариш ва яримлостиш амалидан бошламасдан, кушиш ва айришдан сунг давом этган. Насриддин Тусий, Нишопурӣ, Коший ва улардан кейинги олимлар эса бутун сонлар устидаги амалларни бажаришни биринчи навбатда иккилантариш ва яримлостиш амалидан бошлайдилар.

Ўрта аср шарқ математикалари арифметик амалларни иккى хил "сатҳ" ва "жадвал" усулида бажарганлар. Хоразмий, Насавий ва Тусийлар амалларни "хисоблаш таҳтаси"да оралигидаги ракамларни учирив урнига ёзиш билан бажарадилар. Маълум даврдан сунг "хисоблаш таҳтаси"нинг такомиллашган куриниши "сатҳ" усулига айланган.

Ўрта Осиё математикаларидан Нишопурӣ, Коший, амалларни "жадвал" усулида бажарадилар. Сатҳ ва "жадвал" усуллари мазмун жихатидан бир хил булиб, амалларни бажаришда, оралигидаги ёрдамчи хисоб-

лашларда ракамларнинг жойлашиш шакли билан бир-биридан фарқ килади. Бу усулда амал бажариш Урта Осиё мадрасаларида XX асрдагача давом этади. Хоразмий арифметик асарининг XIV асрдаги лотинча таржимасида амалларнинг таърифи берилмайди. Насриддин Тусий хар бир амалнинг бажарилиши усулини курсатишдан аввал шу амалларга киска ва тушунарли таъриф беради. У амалларнинг бажарилиши усулини тулик умумий курнишда бергандан сунг мисол келтиради.

Тусий Ўрта аср Щарк математикларининг одетича суз билан берилган таъриф ва коидаларнинг киска ва тушунарли булишига катта ахамият беради. Масалан, у иккилантириш ва яримлятиш амалларига шундай таъриф беради: иккилантириш амали /амали таъриф/ деб, бирор сонни урнига тенг булган сонга кушишга айтилади. Яримлятиш амали /амали тасниф/ терилган сондан унинг ярмини айриштирди.

Насриддин Коший ва Нишопурийлардан бир ярим аср кейин Жамшид Коший сонларни иккилантириш ва яримлятишнинг энг содда йулини курсатади. У иккилантиришда берилган соннинг куйи хонасидан бошлаб бажаришни тавсия килади. Берилган соннинг ракамларини иккилантиришда хосил булган унликлар, яримлятишда эса колдикнинг ярми дилда сакланиб, тегишлича хоналарга оғзаки кушилади ва натижада берилган соннинг тагига ёзилади. Масалан: у 652078 ни иккилантириш ва 4090527 ни яримлятишни ушбу курнишда ёзади

Иккилантириш	Яримлятиш
652078	4090527
1304156	2045263

ҚҰШИШ, АЙРИШ АМАЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШ УСУЛЛАРИ

Үрта Осиёлик бир гурух математиклар күшишни биринчи амал хисоблайдилар. Унинг можияти ва бажарилиш усулинни тушунтирадилар. Айриш амалини эса күшишнинг тескариси деб хисоблайдилар. Насриддин Тусий күшиш ва айриш амалларига күйидагиша таъриф беради: "Күшиш бирор соннинг бирликлари устига иккінчи соннинг бирликларини орттиришдір. Күшиш амали күшилувчиларнинг йигиндисини топиш демекдір. Айриш катта сонни кичік сон кадар камайтырылғыдір. Берилгандык соннинг фаркини топиш айриш амали дейилади."

Насриддин Тусий иккінчи коңда билан күшиш амалини бажарышни күйидагиша баён этади: икки ва ундан ортик сонларни күшишда, бу сонларни тартыб билан хоналари буйича бир-бириннен тағига жойластырып, сунг хар бир хонадаги ракамларни күшиш кераклығы, агар хоналардаги ракамларнинг йигиндиси ун ёки ундан ортик болса, күшилувчи ракамлар тағига ноль ёки йигиндисининг бирликларини өзишни, унлар хонасидаги ракамни күшишни юкори хонадаги йигиндига өзіб ёки дилда күшиш кераклыгини уқтиради. Сунгра бу йул билан унг ва чапдан бошлаб күшишни мисолда курсатади. Масалан, 125403 ни 9867 га күшишни шундай куришища өздәи

9 8 6 7

1 2 5 4 0 3

1 1 1

1 2 4 2 6 0

3 5 7

Хосил: 135270

Үнгдан чапга караб күшишнинг өзилишидаги бир-биридан фарки күшиш натижасида хосил булған икки хонали соннинг унлар хонасига бирни күшни юкори хонадаги йигинди устига ёки тағига өзіб қүшишдадыр.

1 2 5 4 0 3

9 8 6 7

1 2 4 2 6 0

1 1 1

3 5 7

Натижә: 135270

Юкорида баён этилган, хозирги усул буйича кушиш амалини бажарышга келгунча, бу амал бир неча куринишларда хал килингандан. Айриш амали хам, худди кушиш тамали каби бир неча боскичдан сунг хозирги усулда бажарилган.

Мухаммад Хоразмий берилган сонларни хозирги усулда ёзиб, айришни юкори хонадан бошлаб бажаришни содда ва фойдали хисоблайди хам шу усулни тавсия килади. У айриш боскичида камаючининг ракамларини учиреб улар урнига айирманинг ракамларини ёзади.

Коший эса кушиш ва айришнинг куйидаги усулини баён этади. Улар кушиш ва айриш амалларини хеч кандай белгисиз суз билан тушентиргиллар.

айрилувчи	7026
камаючини	985792
айирма	988766

Демак, Тусий, Нишотурин ва Кошийлар кушиш ва айриш усувлари ичидагу усул энг тұзғанардың эканниниң кайде этадилар.

Бу усул шу күнгача сакланып колғам.

Купайтириш амали ва уннинг бажарилыш усуллары.

Үрта Осын математиклари, масалан Хоразмий, Тусий, Нишотурин, Коший, Али Кувосий ва бошқалар купайтириш амалига ташки куриниши-

дан кисман фарқ килувчи мазмун жихатидан эса бир хил булган икки хил таъриф берадилар.

Насриддин Тусий купайтириш хамма вакт икки сон оркали бажарилишини уктириб ва булардан бирини купаювчи /мазруб/, иккичисини купайтирувчи /магзуб фихи/ номи билан атаб, шундай таъриф беради: купайтириш бутун сонларни кушиш амалидир, яъни купаювчини купайтувчинг бирлиги кадар такрорлаб кушишдир. Тусий уз таърифининг мазмунини тушунтириш учун бир хонали сонларни купайтиришига мисоллар келтиради. Масалан: 3 ни 4 га купайтириш-бу 3 ни 4 марта ёки 4 ни 3 марта такрорлаб кушиш.

$$3 \times 4 = 3+3+3+3=12$$

Ёки $3 \times 4 = 4+4+4=12$ эканлигини сўз билан тушунтиради.

Ўрта аср Шарк арифметикасида купайтириш амали кушиш ва айириш амаллари каби асосий амал хисобланиб, бу амални бажаришнинг турлича усуллари бошқа амалларга нисбатан жуда куп. Купайтиришнинг хозирги купайтириш усулига яқин усулини кадимги хиндлар яратгандар.

Мухаммад Хоразмий арифметикага доир асарида, хиндларнинг купайтириш усулини методик жихатдан тушунарли килиб беради, яъни хар бир хусусий купайтмани купаювчининг ракамларини учириб ёзади.

Насафий ва Насриддин Тусийлар хам куп хонали сонни куп хонали сонга купайтиришни Мухаммад Хоразмий йули билан баён этадилар.

Кейинги даврларда мадрасада уқитилган дарслекларда купайтириш Хоразмий, Насавий ва Тусийлар усулида хисоблаш тахтасида бажарилиб, натижка купаювчининг ракамларини учириб урнига ёзилмасдан, оралиқдаги хисоблашлар когозда курсатилади.

Европада немис ва итальян педагоглари {VI- {VIIасрларда турли геометрик (бурчак, учбурчак, ромб) шаклда кўпайтириш усулларини

күрсатган бўлсалар ,Ўрта Осиё математиклари эса геометрик шаклда кўпайтириш усулларини жадвалда кўпайтириш номи билан беради.

Коший «Тўр ичида кўпайтириш »номи билан Тусийнинг «Жадвалда кўпайтириш» усулига қисман ўзгариш киритади, яъни жадвалдаги квадратларни диагонал билан юкори ва қуий бурчакли учбурчакларга бўлади. Жадвал тўғри тўртбурчакнинг чапдан эннига ва бўйига кўпайтирувчи ҳамда кўпаювчи юкшри хонасидан бошлаб ёзилади. Амал кўпайтувчиларнинг юкори ва қуий хонасидан бошлаб бажарилади. Хусусий кўпайтмаларнинг бирликлари қуий ўнликлари юкори учбурчакларга ёзилади. Кўпайтманинг Ра камларитўртбурчакнинг пастки ўнг учидан диагонал бўйича хусусий кўпайтмалар ракамларини кўшиш билан топилади. Бу ракамлар тўртбурчак тагига ўнгдан бошлаб ёзилади. Масалан: 7806 ни 175 га кўпайтириш шундай бажарилади. Амални бажаришда биринич навбатда кўпаювчининг мингликлари (7) 175 га юкори хонасидан бошлаб кўпайтирилади.

Кўпайтма ($1 \times 7 = 7$, $7 \times 7 = 49$ ва $5 \times 7 = 35$) лар 1 ва 77 ва 7,5 ва 7 ларнинг тўғрисидаги учбурчакларга ёзилади.

1	7	8	0	6
7	4	5	6	4
5	9	0	0	2
3	4	0	0	3
5	5	0	0	0

1365050

Сўнгра 175 ни 8 га 0 га 6 га кўпайтмалари ҳам шу тарзда жойлаштирилади. Жадвалнинг пастки ўнг тамонидаги квадратнинг диагонали бўйича кўшилса изланган кўпайтма 1 365050 хосил бўлади.

Тўр усулида кўпайтиришни XII асрда яшаган математиги Бҳаскара ва Кошилар бу усулининг такомиллашган кўринишини берадилар, яъни кўпайтманинг ракамларини топишда қулай бўлишининазарда тутиб диагоналларни тескари йўналишда чизади ва кўпайтмани тўртбурчак тагига ёзib кўрсатади.

Узунлик, пул, вакт ўлчови.

Метрик ўлчовнинг ўнлик тизими ёрдамида болалар бу ўлчовларнинг ўзаро боғликлигини, шу билан бирга уларга маълум бўлган ўнлик тизими хақидаги тушунчаларини чукурлаштирадилар.

Бошлиғич синф ўкувчилирни сантиметр ва метр билан таништириш кўзда тутилган. Модомики, ҳар бир 10 сантиметр қулай кўлланмаларда эслатиб ўтилар экан, бироқ шунга қарамасдан ўлчовнинг метрик ўлчови, болаларга маълум бўлган ўнлик тизимининг кўргазмали воситасидир.

Ўкувчилар ўрганиши лозим бўлган ўлчовга оид энг қийин ўлчов - бу вакт ўлчовидир. Болалар бу соҳада етарли тажрибага эга эмаслар, аввало бунинг устига бу ўлчов тизими ўнлик тизимидан фарқ қиласди. Иккинчидан, соат ёрдамида ўрганилади. Болаларга вакт ўлчови ҳакида борасида соат (дакика) га бўлган эҳтиёж ҳакида тушунча берилади. Бу жуда оддий ўкувчи мактабга ўз вактида келмаслигини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Инсон кўп замонлардан бери вакт ҳисобини соат асосида олиб боради, кайсики у кўп вактлар давомида катта эволюцияни бошдан кечирди. Дастабки соатлар куёш соатлари эди. Улар биринчи марта Вавилонияда ўргаси тешилган ярим шар шаклидаги тош ёки гишт косага ўрнатилган таёқчадан иборат бўлган. Кейин у Греция ва Римга ўтган.

Кун таёкча соясининг коса четидаги ўйнқ чизиклар бўйлаб харакати бўйича бўлакларга бўлиб чикилган. Лекин бу соатлар факат күёшли кунлардагина иш берарди. Ҳаво булут бўлганда нима килиш керак? Йули тошлиди. Миср ва Вавилонийда сув ва қўёш соати кашф этилди.

Компасли биринчи механик соат XVI асрда Галилейнинг маятник тўғрисидаги иши асосида 1612 йилда яратилди. Прагада маятникли соат кашф этилди, сал кейинроқ X. Гюйгенс кўриниб турадиган пружинали соат яратди. Вакт ўтиши билан аниқлиги бир минутгача бўлган биринчи чўнтақ соатлари пайдо бўлди, унинг минутни кўрсатадиган мили бор эди.

Амалий жиҳатдан таклиф этилган цифербалетни 24 соатта бўлиш инкор этилди. XVI асрнинг охирида Рудольф томонидан соат цифербалети 12 соатта бўлинди.

Греклар кун каби тунни ҳам 3 даврга бўладилар, бироқ Аристотель (эрамизгача IV аср) давриданёк бир кеча-кундуз 24 соат деб қабул килинган эди. Астрономияда Птоломей давриданоқ сутканинг бошланиши тушвакти деб қабул килинганди. Бир соат 60 дақика, бир дақика эса 60 сония килиб олинди. Доира айланаси градус ва дақиқаларга бўлиб чикилди. «Дақиқа» ва «сония» атамалари лотин тилидан олинган.

Шундай бир тажриба ўтказилди: болаларга жуда бир хотиржамлик билан килинадиган ишни топшириб, улар ўйлай бошлаганидан 15 дақика ўтгандан кейин ишни бир оз кечнитириб туришни маслаҳат бердик. Ишга сарфлаган вактлари билан бекор турган вактлари орасидаги фарқ шу кадар каттаки, уларнинг ишга сарфлаган вактларига бўлган кизиқиши жуда кучайиб кетади. Ранг-барант машигуотлар орқали ҳам вакт биз учун ҳамиша ҳам бир хил кечмаслигини билиб олса бўлади. Синфда «бир дақиқалик сукунат» кабиларни ўтказиб туриш ҳам харакатсиз колиш накадар узок, оғир эканлигини тушуниб олишга ёрдам беради. Ўқувчиларга муайян дақиқа ичida қандайдир ишни бажариш, белгиланган вакт мобайнида овоз

чикариб ўкиш ва х.кларни топшириш ҳам яхши натижা беради. Шу йул билан болалар дакика, сония, чорак соат, ярим соат ва соат билан амалий равишда танишиб оладилар.

Бу машқларни картон соатларда бажарса ҳам миллиарини кўл билан тўғирлаш мумкин бўлган бўлади, қайсикин унинг машкни бир мунча вакт ўтгандан кейин, ҳеч бўлмаса, бир неча дакика, ҳатто математика дарси бўлмаса-да, ҳар куни кайтариб туриш керак.

Ўкув дастури тақвим билан амалий равишда танишиб чикишни талаб килади. Бу нарса икки жиҳатдан ўринли бола аввало тақвимдан фойдаланишни билиши керак, иккинчидан у болаларга катта қувонч бағишлайди.

Болалар тақвимнинг «амалий нарса» эканлигини хис қилишлари учун ундан эжтиёж бўлмагандан ҳам саналарни топиш ва ўкишга уларни маъжбур этмаймиз.

Тақвимнинг пайдо бўлиш тарихи ҳакида кискача маълумот тарикасида Умар Хайём бундан 800 йил илгари астрономик тақвимни кашф этгани ва у хозир фойдаланилаётган тақвимдан ҳам аникроқ эканлиги тўгрисида гапириб бериш керак.

Тақвим атамаси лотинча сўз "комос" - бакирмок сўзидан олинган. Бир замонларда маҳсус кишилар янги ой ўрги пайдо бўлганлигини бақириб-чакириб маълум килар экан. Бирок яна бошқа бир далил ҳам борки, унга мувофик кадимги Римда тақвим қарздорлар китобини англатар экан. Қарздорлар қарз фоизларини тақвим кунида, ҳар бир ойнинг биринчи куни шундай аталган.

Йил бошини кўрсатувчи (21 июнь) биринчи тақвим бундан 4 минг йил илгари яратилган. Тошдан ясалган бу тақвим ҳозирга кадар ҳам Англияда сакланади..

Қадимги тақвимлар ичида энг муваффакиятлisi мисрликлар томонидан тузилган тақвим бўлган. Мисрликлар йилни хар бир 30 кундан 12 ойга ва яна кўшимча 5 кунга бўлгандар.

Агар мактаб ҳаётидан бирон-бир санани белгиласак (ўйин, экскурсия, байрам, таътиллари ва х.к.) ва белгиланган кунгача яна қанча қолганини билиш учун болаларнинг кўлига тақвим бериб, тегишили санани ва бизни ундан ажратиб турган вақтни айтиб беришини сўрасак болалар тақвим билан жуда қизикиб иштайдилар.

Бизни қизиктирган барча масалалар ечилганидан кейин ким қандай хисоблаган ёки хисоблай олмаганингини аниклаймиз. Болалар ўқитувчининг тушунтиришларига дикъат билан қулоқ соладилар. Шундан сўнг ўзлари мустақил равицда тақвимни кўлга олиб, байрам кунлари, яқин кишиларининг тугилган кунлари кабиларни қидиришга тушадилар. Шунга эришиш керакки, болалар тақвим оркали кўп нарсаларни билиб олиш мумкинлигига амин бўлсинлар ва осмондаги ойнинг даврий кунини аниклашсин.

Қадимги вақтларда, яъни хисоб-китобда ўнликсиз ўлчов(тирсак, тавон, дюмлар)лар кўлланган даврларда бир ўлчовни иккинчи ўлчов билан алмаштириш жуда кийин бўлган. Энди эса ўнликсиз ўлчовлар жуда оз колган. Масалан, вақтни белгилаш ва шунингдек нарсаларни (тирсак, тавон) билан синанида.

Янги тушунчаларни ўзлаштиришда товои, тирсак, дужина билан хисобланган кўйинчилик тутдурмайди. Товоныи тирсак ёки дужина билан соилинтириш билан аниқ нарсаларни кўрсатган бўламиш. Чунки математикани ўхтинида болаларнинг тасаввурини бойитишга (кузитишга таянган колда) ҳарасот киламиш, факат тасаввур оркали масала ва мәннклар аниқ шинтун мебб этади.

Бошлангич синфда болалар кўлга алоқадор икки номланиш (олтинпул), метрик ўлчов (метрлар-сантиметрлар), шунингдек оғирликлари (килограммлар-декаграммлар) ва литрни англатувчи катталик билан танишишлари керак.

Болалар учун масофани «кўз билан» чамалаш каби оғирликни «кўл билан» тортиш ҳам ахамиятли. Чунки тарозида тортиш болага оғирлик хакида етарли тушунча бермайди.

Катта ёшдаги кишилар бирон-бир нарсани кўлда салмоклаб туриб, унинг оғирлигини таҳминан айта олганилариdek болалар ҳам муайян бир нарсанинг оғирлигини олдин кўлда чамалаб айтиб, сўнгра чоғиштириш учун тарозида тортиб кўрсалар, оғирлик тушунчаси хакидаги тасаввурлари янада бойийди

Ўрта Осиёнинг кадимий ўлчов бирликлари.

Хозирги ўлчов бирликлари кабул килинмасдан олдин Ўрта Осиёда хилма-хил ўлчов бирликлари бўлган. Мамлакатимизда хозирги ўлчов бирликлари 1918 йилда жорий килинган. 1927 йилдан эътиборан бошка ҳар кандай ўлчов бирликларидан фойдаланиш бутунлай ман этилган. Шундан сўнг узунлик учун метр, оғирлік учун килограмм, ҳажм учун куб метр, суюклик учун литр, вакт учун сония ва уларнинг ҳосилалари кабул килинди.

Шунга қарамасдан ёзма адабиётда ва ҳалқ орасида ботмон, мисқол тош, газ, карич, таноб, чакса каби ўлчов бирликлари ҳамон тилга олинади. Ўрта Осиёдаги кадимий ўлчов бирликлари хакида бир қанча тарихчилар, шарқшунослар, этнографлар, тилшунослар сўз юритганлар. Ана шу мутахассисларнинг фикрларини келтириб ўтаман.

Оғирлик / вазн / ўлчовлари.

Ботмон-манн яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда ишлатилиб келинган оғирлик ўлчови. Ёзма адабиётда манн, ҳалқ

орасида кўпроқ ботмон деб юритилган. Бу оғирлик ўлчови турли жойда турлича вазнни билдирган. XIX асрда Хоразмда 2016-40,95 килограмма, Бухоро ва Самарқандда, асосан, 8 пуд /131 кг/га Тошкентда 10,5 пуд /171,9 кг/га тенг бўлган. Айни вақтда ботмон майдон ўлчови ҳам хисобланган. Бир ботмон уруғ /бугдой/ кетадиган жой "бир ботмон ер" деб аталган. Ботмон сўзи ёзма адабиётда дастлаб Махмуд Кошғарийнинг "Девони лугати турк" асарида кайд қилинган. Бир канча олимлар ботмон туркий "ботмон, ботиб кетмок, чўкмок" ва арабча "манн" сўзларидан келиб чиккан деб хисоблайдилар. (46.237-б)

Даксари бу ўлчов бирлиги Ўрта Осиё шаҳарларида, жумладан, Сармарканд ва Бухорода ботмон чорак қисмига тенг.

Дирхам қадимги Юнонистондаги кумуш пул бирлиги - драхма /4,25-4,33 грамм/ сўзининг арабча талаффузидир. Бухорода 3,36-3,5 грамм Хоразмда 3,185 грамм хисобланган.

Мисқол - 4 дан 5 гача бўлган оғирликни билдирган Ўрта Осиёга араблардан ўтган: араблар эса уни римликлардан кабул қилганлар. Сармарканда 4,46 г. Хоразмда 4,53-4,55г. Бухорода 4,8-5,0 г. бир мисқол хисобланган. Фарғона водийсида бир мисқол 4,55 г. XIX асрда 100 дона арпа вазнига тенг бўлган.

Пайса - Фарғона водийсида кенг кўлланган. XIX асрда Хўжанд, Наманганд, Кўкон атрофларида бир пайса 25,6 г., баъзи жойларда 23 грамм, яна бошка жойларда 31,85 грамм, Тошкентда эса 33,3 нраммга тенг бўлган.

Сер /сир/- Мовароуннахрда кенг тарқалган ўлчов бирликларидан. Ҳамма жойда ботмон /мани/нинг 1/40 қисмига тенг хисобланган.

Чакса - Фарғона водийсида кенг кўлланилган. Хўжанд атрофида 2,5 кадок, яъни 1,024 кг, Наманганд 5,3 кг, Кўконда 4,6 кг ёки 5,1 кг бир чакса хисобланган. "Чумчук семирса, чакса бўлмас" деган матал бор.

Чорак - чорак /чайрак/ Бирон нарсанинг. 1/4 қисми деган маънени билдиради. Самаркандда Бухоро томонларда бир пуднинг. 1/4 қисми - 4,1088 кг-бир чорак ёки катта чорак дейилган, кичик чорак эса 2 кг чамасида бўлган.

Кирот-карат-бу сўз асли юнончадир. Арабларга кирот, италияларда карато, русларда карат шаклида қўлланган. Одатда жавохирлар, жумласидан, олмос карат билан ўлчанган. Халқаро келишувга кўра бир карат 200 мг/бир граммнинг бешдан бир қисми/га тенг.

Булардан ташқари Ўрта Осиёда арпа /0,05 г./ кадок /409,5 г./ коп /4 пуд ёки 8 пуд/ нахуд-курсат / 0,2 г./ пиёла-товок /4-16 кг каби вазн ўлчовлари ҳам амалда бўлган.

Узунлик / масофа / ўлчовлари

Газ - турли жойларда турлича узунликни билдирган. Кўпинча, ўрта бўйли кишининг бармоги учидан бурнигача /ярим кулоч/ ёки бир қўлнинг учидан иккичи қўлнинг кўлтигигача бир газ ҳисобланган. Газ асосан, 1 метрдан узун, аникроғи 106 см га тенг бўлган.

Жарип- хажми, вазн ва майдон /юза/ ўлчов бирлиги. Юза ўлчови сифатида танобга тенг. Профессор А.А.Семенов жарип 3,600 квадрат газга баробар, деб ёзган.

Митл-илмий адабиётда мил /миля/ икки хил учрайди.

Жўтрофий мил - 7,240 м.

Денгиз мили - 1852 м.

Араб мили эса булардан бир оз фарқ қилган. Ўрта Осиёда мил қадимдан маълум. Милни Захириддин Муҳаммад Бобур шундай таърифлаган:

Тўрут мингдур қадам била бир мил

Бир куруқ они Ҳинд эли дер, бил

Дедилар, бир ярим кари - бир қадам

Хар кари, билки, бордир, олти тутам.

Хар тутам түрт эллик, яна бир эллик-

Олти жав арзи бўлди, бил бу билик.

Яъни бир мил 4000 қадам /милни хиндулар курук дейдилар /,- ярим кари бир қадамга тенг, бир кари эса олти тутам, бир тутам түрт эллик, бир эллик эса - олти дона арпа энига тенг. Шундай қилиб, бир мил Шарқда, таҳминан 2 км га баробар бўлган.

Олчин-русча "армин" сўзининг бузилган шакли. 71 см га тенг бўлган. Баъзан олчин билан газни тенг деб хисоблайдилар. Лекин бу тўғри эмас.

Фарсаҳ-фарсанг - санг, тош, "фарсак" арабча сўз бўлиб 12000 қадамга якин. Форс тили таъсирида бўлса керак, фарсат деб ҳам юритилган. Ўрга Осиёда тожикча санг, туркийга тош сўзлари ўша мъянода ишлатилган. Бир фарсаҳ 8 чақирим ёки 8,5-9,5 км га тенг. Қари-Қадимий турк тилида ва муғул тилида қари "қўл, билан" мъяносини берган.

XIX асрда бир кари Хоразмда 148,94 см, Тошкентда 177,8 см, Фарғонада 164,45 см га баробар бўлган. Ўрга Осиёда яна катта кари ҳам ишлатилган бўлиб у икки кулоч /355,6 ёки 365,76 см/ хисобланган.

Бундан ташқари, ангушт /бармок/- олти дона арпа жи /2,18 см/, бўғин /бармоқнинг биринчи бўғинига тенг ўлчов/, жав-арпа /6 дона от кили энига баробар/, қадам /одим/, кулоч /166-170 см/, карич , суяқ-бош бармок билан кўрсатгич бармок орасида /18 см/ каби узунылик ўлчовлари ишлатилган.

Майдон ўлчовлари.

Таноб /маъноси "чизимин", "каноп ип"/ Ўрга Осиёда кенг тарқалган юза ўлчов бирлиги. Кўпинча тўрт томони 60 газ бўлган майдон /3600 кв. газ ер/ тушунилган. Таноб Хоразмда 4037-4097 м², Бухоро ва Самарканнда 409,7 м², Фарғонада - 1820 м² Тошкент атрофларида 1820,9 м², Қашқада-

рёда $1820,9\text{ м}^2$ - $3641,8\text{ м}^2$, Сурхондарёда 2733 м га тенг бўлганлиги тарихий манбалардан маълум.

Булардан ташкари бир чорак, бир ботмон, бир қоп уруглик кетадиган ер " бир чорак ер", "бир ботмон ер" "бир қоп ер" деб ҳам аталади.

Оддий касрларнинг вужудга келиш тарихи

Сон тушунчаси кенгайтирилишининг биринчи боскичи, яъни каср сон тушунчасининг киритилиши кишилик жамиятни тараққиётининг дастлабки боскичларидан бошланади. Дастлабки вақтларда кишилар каср сўзини эшитмаса ҳам бирлик каср ва яъни ярим, чорак ва нимчоракни турмуш эҳтиёжларига татбиқ қилиб келганлар. Мисрликларнинг эрамиздан илгариги икки мингинчи йилларга оид қадимий Ахмес кўлланмасида сакланган ёлгорликда бирлик касрлар учун алоҳида белгилар ишлатилганлиги далил бўла олади.

Мисрликлар дастлаб асоси 2 бўлган касрларни билганлар. Кейинчалик эса сурати факат бир бўлган бирлик касрни ишлатганлар. Уларнинг текшириш методлари ва чиқарган хуносаларининг асосий кисмлари турли халкларда минг йиллар давомида сакланниб келмоқда. Мисрликларнинг бирлик каср билан ҳисоблаш усули Пифагор даврида Юнонларда, булар орқали ўрта аср Шарқ математикларига ўтади.

Бирлик каср билан ҳисоблаш усулини Ўрта Осиё математикларининг арифметик асарларида учратиш мумкин. Бунга Мухаммад Хоразмий, Абул-Вафо, Ҳосиб Кархий, Насафий, Тусий, Али Кубовий ва бошқаларнинг асарлари мисол бўла олади. Оддий касрларни тасвирилаш ва улар устида амаллар бажариш хозирги усулга жуда яқин бўлган ўзаро савдо алоқалари натижасида, ҳиндларнинг оддий каср гояси, ўнли позицион тизими билан биргаликда, араблар орқали Ўрта Осиёга ўтади. Ҳиндлар ўнли позицион тизимини биринчи бўлиб тарғиб қилганлар. Ўрта Осиё математики Мухаммад Хоразмий ўзининг арифметика ва алгебрага доир асарла-

рида оддий касрларни тасвиirlаш ва улар билан түрт амал бажариш усуларини күрсатади. Хоразмийдан кейинги даврларда Шарқ математикларидан Абул-Вафо, Хосиб Каркий, Насафиј, Беруний, Умар Хайём, Тусий, Нишопурий, Коший ва бошкалар оддий касрлар гоясини илмий методик томондан тарақкый эттирганлар.

Араб тилида "каср" сүзи синдириш маъносини билдиради. Оддий касрнинг ҳозирги кўринишда ёзилиш кадимда хиндулардан бошланган. Хиндулар касрнинг сурати билан маҳражини ҳозиргидек чизик билан ажратмасдан маҳраж устига сурати, аралаш сондаги бутунни эса сурат устига ёзганлар.

Мухаммад Хоразмий ва ундан кейинги Шарқ математиклари хам касрни хиндулар каби тасвиirlаганлар. XIII асрда Мухаммад Нишопурий ва ундан кейинги муаллифлар аралаш сондаги касрни алоҳида кўрсатиш учун бутуннинг тагига чизик чизганлар. Нихоят, XVI асрдан бошлаб Европада аралаш сон ҳозирги кўринишда тасвиirlана бошланган.

Кўйида бошлангич синflарда математикадан тарихий материалларни ўрганиш мумкин бўлган дарслар ва синfdan ташқари ишлар, тадбирлар хусусида сўз юритамиз.

Математика фанидан синfdan ташқари тадбирлар

№	Тадбир шакли	Тадбир маъзу	Тадбир маҳсади	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолини
1	Математик ўйинлар	Сеҳрли квадрат	Тез ва аниқ ҳисоблаш	Ўйинни бошкариш, ўқувчиларни юзиктирish ва сеҳрли квадрат тарихи билан таништириш	Мантиний фикрлаш
2	Қизикарли математик соатлар	Ребуслар, фокуслар, Красвордлар	Математика дарсларида олинган билимларни тукурлаштириш	Турли ребусларни, красвордларни тайёрлаш	Ребуслар ва красвордларни топиш
3	Математик викторина	Ҳамма нарсанни билишини истайман	Мураккаб масалалар	Турли мураккаб масалаларни тайёрлаш ва викторинани бошкариш	Ҳамма масалани билишга интилиш
4	Математика эрталиги	Тарихий масалалар	Тарихий мисолларни ўрганиш	Мисолларни тайёрлаш ва эрталикларни бошкариш. Тарихий	Мисолларни счишга характерат килиш

				мисоилларга көзсүйти-ришке ўргатиш	
5	Математик тұғаралар	Маңжұр мате-матик олим-пийдегі жәдіті ва фасолиеті	Олимпидермен митематикаға құштап хисса-лары, математика та-рихияны түкүр үргатиш	Математика тұғаралының башкарыш ва сенарий өзинш	Тарихий материалдар тұпламы
6	Деворий газета	Көзінде тарихий хисса-лар, олимпидегі ижоди ва жәдітідан аяни-диксар	Үйнүчилердің ду-нәсірліктерін шакылан-тириш	Деворий газета утун материал тұплалы	Деворий газеталар қысарииш ва тарихий материалларни үрганиш
7	Экскур-смарап	Тарихий музейлерге сабактар га олиб бориш	Миниатүра графика, геометрик шекілдер билан танындырылыш	Экскурсия жа-райнда тарихий материалдар билан танындырылыш	Математикадан яғы билимларға эта бүлнеш

Математика дарсларининг самараадорлыгынни оширишінде тарихий материалдардан фойдаланыш дарслар тизими

№	Үрганиладыган мақсудағы номи	Дарснинг бориши	Күтілдігандын-жа	Тарихий түшүнчаларни шакллантириш манбаалары
1	Натурал сонндарни нөмерациясыни үзләр устиды арифметика аманалар	Яшаш үчүн ракамлар-нинг заруригы, уннан халқ ижодиеті ва кадрияттарда инфодана-миши	Ракамдарға гайдо бүлдін зарурикты ва ассоциация. Аль-Хорезмийдиннің "Ханди китоби" рисоласы асемнектес билиш ва интеграторлар хис-себеттің тарбиялашы	Халқ оғзаки ижоди мұтафаккирлар таълимо-тири
2	Микдорлар: узулткы, коза, вакт, дақыл, оғарылған түшүнчалары ва үлчөв бирліктері	Түрли микдорлар-нинг көлиб чының тарихы, уларни күнделік жұт-га иштеп алыныш. Үйнүчилердің аник, ман-тиқиң фикрлашы-турытыш	Үлчөв позицион ти-зимнинен үлчөв бир-ликтарда табдик этилениш. Үйнүчилер онтам размында буны иштеп алыныш	Түрли халқларда микдор-ларни үлчашда түрли үлчөв бирліктері, уларнинг номлари. Түрли үлчөв асобдары (соат, чызыгы, палитка ва х.к.)
3	Касрлар да узулш түшүнчеси	Узулш да каср түшүнчалары көлиб чының тарихы, түрли халқтардың булат түрлісіндеги фикрлары	Касрларни күнделік жәдіті масала-мисоилларни етиңдә түрли табдик этилениш. Ватаншарарлар-ниң тарбиялашы	Қадынай Миср, Бобилиллар-нинг каср хайдагы таълимоты. Үрта Осмөллік олимпидегі ижодынан ғиёсідін ал-Кошибийдиннің "Арифметика ка-литы" асари. Ибн Сино, Беру-нейн ижоды.
4	Алгебра элементтері: соңын да үзгерүүчілік инфода түшүнчелер, төңгілдер, төңгілдер на төң-сизликтер, төңгілдер ечиши	Алгебрик түшүнчалар-нинг көлиб чының тарихы. Математик би-лимлардың түкүрлешти-риш. Манттардың маңжұр фикрлашы-турытыш.	Алгебра элементтерінин оғын размында түзу-ника, балық, түрли табдик этилениш. Буюк ахыл-лардың ижоди билан иштеп алыныш. Мил-лий үзүннің анықта-хиссесиң тарбиялашы	Мұхаммад -ал-Хоразмийнин "Ал-хабр да ал-мукобала" асари да уннан ехамнит. Ка-дымғы Миср попурисларидагы мәддүмтөлар, қадымғы Юнон олимпидарининг таъли-моты. Умар Хайдым ижоды
5	Геометрия эле-менттері: күнта, түрли чызик, кес-ма, бурчак, уа бурчак, түрт бур-	Геометрик фигурулар-ны чыншы, үйнүч, гео-метрик масаваларни ечиши, күнделік жәдіті табдик этиш	Үйнүчилердің фасо-вий тасаввурларынк абстракт фикрлашынни ривожланады, амалай маласалар тарқиб	Евклидиннің "Негизлар" асари, Пімфогориннг илмий мактабы, ижоди. Барча бу-юк Үрта Осмө олимпидары

		чак, тұғыр бурчак, күп бурчак, айланы, квадрат, күзде жақаю		топодда	некоди, фасолияти
6	Масалалар етшіл	Менталдық фикрлердің, анализ және синтездің күзметтерін анықтау. Тәсискеек, умумияттармен, конкретизация мен анықтыванға болатты.	Математик базасынан анықтыванға болатты. Масалалардың төрбесі мүмкемдердің жағдайлары		Классист Мирза Назарбайевидан бойынша хөрмегінде дарснаме түрлі мәндерде

Математика үкітиш жарабейнің тарихий материаллардан фойдаланиш жарабейнин синфдан ташқары машгүлолттарда хам ташкил килип мақсадға мұвоғиқдір.

Математикадан синфдан ташқары иш дейилгандан дарсдан ташқары вактда ташкил килинганды, дастур билан бөгликтің бүлгін материял асосида ихтиёрийлік принципінде асосланған машгүлолттар түшүнілді.

Синфдан ташқары иш дарс машгүлотидан бир қатор хусусиятлары билан фарқ килады:

1. Мазмұни давлат дастурынан билан чекленмеган. Аммо математик материал үківчиларнинг билимлары ва малакаларига мос бўлиши керак.

2. Бошлангич синфларда болаларнинг математикага нисбатан турғун кизиқицлари ҳакида ҳали гап бўлиши мумкин эмас.

3. Топкирлик, зийраклик, тез хисоблаш, ечишининг оқилона усууларидан фойдаланиш рағбатлантирилиши керак.

4. Дарслар 45 минутта режалаштирилгани ҳолда синфдан ташқары машгүлолттар мазмунига ва ўтказилиши шаклларига қараб 10-12 минутта хам, 1 соатга хам мўлжалланган бўлиши мумкин.

5. Синфдан ташқары ишлар шакл ва турларнинг хилма - хиллиги (кизикарлы математика соатлари, тұғараклар, викториналар ва х.к.)га қараб мазмунининг түрли түмандиги билан характерланади.

Математик ўн минутликларга кизиқиши үйғотиш учун топшириқлар дарсларда бериладиган оддий математик топшириқлардан фарқ килиши керак. Ҳар хил кизикарлы арифметик ва геометрик мазмунли масалалар,

мураккаб масалалар, ҳазил масалалар, масала тузишга доир масалалар, квадратлар, ребуслар, топишмоклар ва бошқалар материал бўлиб хизмат килади.

Математик тўгарак мунтазам синфдан ташқари ишнинг энг кўп олиб бориладиган турларидир. Унинг асосий вазифаси – математикага алоҳидан кизиккан ўкувчилар билан бажариладиган чукурлаштирилган иш.

Математик тўгарак иши қизикарли математика соатлари ўтказишда ишбулар билан фарқ килади:

Математика тўгарагига ўкувчилар танлашда уларнинг математикага алоҳида қизикишлари, мойилликлари ва имкониятлари хисобга олинади.

Мустакил равиша кўргазмали қуроллар (абаклар, баъзи ўйинлар учун мисоллар ёзилган карточкалар ва бошқалар) тайёрлайдилар, математика кечалари ўтказишга тайёргарлик кўрадилар ва ҳоказо.

Математика тўгарагини ўтказиш учун олдиндан унинг иш режасини тузиш керак. Намуна учун иккинчи ярим йилликда 1 синфда ўтказилган баъзи тўгарак машғулотларининг тахминий режасини келтирамиз.

I машғулот. 1. Ребусларни ўйлаб топиш. 2. Кўшишга оид қизикарли масалалар. 3. 100 ичидаги номерлашни билганиликни текширишга оид машқлар. 4. Топкирликни талаб қиласидиган масалалар. 5. Ҳазил масала. 6. Топишмоклар. 7. Кувноқ саноқ (20 ичидаги) ўйини.

II машғулот. 1. Ребусларни ўйлаб топиш. 2. Топкирликни талаб кичувчи шеърий масалалар. 3. Геометрик фигуralарни анализ қилишга доир машқлар. 4. Ҳазил масала. 5. “Сонни тўлдир, ўзинг анграйма” ўйини.

Математик конкурслар ва олимпиадалар. Конкурс мавзуси ва уни ўтказиш вакти олдиндан белгиланади.

Мураккаб хисоблашларни энг кулай усул билан, таккослаш ёрдамида хисоблаш

2. Мантикий масала ва машкларни,

3. Толқирлик, зийракликка оид машклар,
4. Ҳисоблашлари мураккаб бўлган масаларни
5. Шарқ мутафаккирлари меросига оид баён килишлар, алгебрик, геометрик шакллар мазмунини ёритишга оид

(Амалий машғулотларда тўхталиб ўтилади.)

“Чаноғвой”, “Ким олғир”, “Аълочи”, “Топагон”, “Биласизми?” ва хоказо.

Математик викториналар – газеталардан фарқли равишда факат ўкувчиларга ечиш учун берилган масалалар ва саволлардан иборат бўлади. Жавоблар ёзма равишда мальум вакт ичida ўқитувчи томонидан колиб ўкувчи аникланиб эълон қилиб борилади.

Математик деворий газета, викториналар, одатда математик бурчак деб аталувчи жойга осилиб қўйилади, бу бурчакда Ватанимиз ютукларини ифодаловчи сонли маълумотлар ҳам бериб борилади. “Биласизми?” номи остида кизиқарли материаллар берилади. Масалан:

1. Товада икки бўлак нон сигади. Ноннинг бир томонини киздириб олиш учун 1 минут вакт кетади. Қандай қилиб 3 минутда ноннинг ҳар иккала төменини киздириб олиш мумкин?

2. Думолок тортнинг четига ораларидаги масофа тенг қилиб кремдан 5 та гул қўйилди. Шу гулларни барчасини кетма-кет туштариб киркинг. Натижада торт неча бўлакка бўлинади?. Бу масалани ечишда Абу Раҳон Берунийнинг айланани 5 та темг бўлакка ажратиш усулини айтиб бериш мумкин.

Математик экскурсиялар мақсади – конкрет ҳаётий факт ва таассуротларни талаб қилиш, булар ўкувчиларни шу фактлар билан турмушда учраштириш йўли билан олинади.

Экскурсия ўтказишидан мақсад нималиги болаларга тушунарли бўлиши нихоятда мухимдир, шундай бўлганда болалар олдиндан нима

қилишлари кераклигини ва ўзларини қандай тутишлари кераклигини билib оладилар.

Мактабнинг жойлашган ўрнига караб болалар билан ҳар устахоналарга, фабрикаларга, Комбинатларга, фермаларга, колхоз ва совхозларнинг далаларига ва бошқа жойларга экспурсиялар ўтказилиди.

Бажаришда курилиш материалидан фойдаланиш, машина-лардан, ишчи кучларидан ва бошқа нарсалардан фойдаланиш чоғида масалалар тузиш ва ечиш мумкин. Шундай масалалардан баъзиларини келтирамиз:

1. Экскаватор бир соатда 4 м узуулликда пойдевор чукурини ковлади.
Шундай иш унуми билан у 7 соатда неча метр ковлади?

2. Курилишга 4 та автомашина юк ташимокда. Уларнинг ҳар бирида битта шофер ва иккита юкчи ишлайди. Юк ташишда ҳаммаси бўлиб неча одам банд?

Экспурсиядан олиб келинган курилиш материалларидан меҳнат дарслари учун стендлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин, бунда биноларнинг макетларини тайёрлаш ҳам мумкин.

Фойдаланилган дарс машғулотларидан айрим намуналар келтирамиз.
Тошкент шаҳар 73 ва Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги 12 мактаб 2 синфда ўтилган дарс мавзу: Тақвим

Дарс мак- 1. Ўқувчиларни тақвимнинг яратилиш тарихи билан та-
сади: ништириш.

2. Болаларни кундалик ҳаётидага тақвимдан фойдала-
нишга ўргатиши.

3. Масалаларни оғизлаб орқали болалар билимини ошириш.

4. Оғзаки хисоблаш.

5. Ўқувчиларнинг қизиқишини ривожлантириш.

Дарс жиҳо- 1. Тарихий тасвирлар.

зи:	2. Турли давр тақвимдари ва хилма-хиллиги. 3. Насрилдин ҳакидаги күргазмали расмлар 4. Мисоллар
Методлар	Күргазмалар, Сұхбат, ҳикоя.
Дарс бориши	1 Ташкилий қысм -Үйкитувчи ҳикояси Вакт үлчовларини инсонлар, қуёш, ой ва юлдузларни күзатиш орқали эришади.

I. Қадимда одамлар кун ва тунларни ҳамда йилнинг даврий үзгаришларини англай бошлаганлар. Улар хали бу ҳодисаларни тушуна олмасаларда бироқ уларнинг ёрдамида вактни ўлчадилар. Вактнинг дастлабки бирликлари вжудга келди - бу сутка (кече ва кундуз), йилдир. Йилнинг тақрорланиши олдинига унчалик аник бўлмаган. Масалан, қадимда Египетликлар Нил дарёсининг йўналишига караб йилнинг вакт оралигини хисоблаганлар. Кейинчалик улар Нил дарёси оқимида уфқдаги ёрқин Сириус юлдози нурининг юзага келиши билан боғлаб англағанлар. Египетликлар биринчи бўлиб тақвимни муваффақиятли яратдилар. Олдин улар йилни 12 ойга бўлиб ҳар ойни 30 кунга бўлишди. Кейинчалик улар йил жуда қисқа эканлигини сездилар. Сириус юлдузининг уфқда чиқиши 5 кунга кечиқди.

Ўз худолари Геб, унинг рафиқаси Нут, уларнинг болаларига атаб 5 кунни байрам килиб белгилашди. Сириус юлдози харакати камрок кечика бошлади, лекин барибир 4 йилда бир кун ортиб коладиган бўлди. Бундан 2000 йил олдинроқ (238 йилдан бизнинг асримизгача) шоҳ Птолемей худога сигинадиганлар шаъни учун 4 йилда бир марта яна битта байрамни нишонлашни буюрди.

Египетликлар тақвими мұваффакиятли бўлиб, ҳәкикӣ тақвимдан 128 йилда бир кунга фарқ қиласди. Бу тақвим бошқа халқлар учун намуна бўлиб қолди. Эрамиздан аввалги 46 йилларда Император Юлий Цезар қадимги Римда шундай тақвим яратди. Юлиан тақвими бўйича йил 365 суткани ўз ичига камраб олади. Ҳар 4 йил кабиса йили ҳисобланади. У ичига 365 кун ва түнни қамраб олади. Ўша вақтда ҳисобдаги хато шуни кўрсатадики, 128 йил 10 кунгача фарқ қиласди. Бу тақвимни XVI асргача кулланган.

Кейинги тақвимъ 1582 йил Рим папаси Григорий XIII Томонидан яратилган. Бу Григорян тақвими деб номланган юкоридаги 10 кунлик хатони тузатиш учун

1582 йил 4 октябр бирданига 15 октябр деб ҳисобланди.
XX асргача Россияда Григорян тақвими ирим килиб қабул қилинмаган. Шу вақтда эски ва янги стиллар бўйича 13 кун фарқ қиласган янги стил кирғизиш учун 1918 йил 2 февралини 15 февралдан бошлаганлар.

XI асрда яшаган ўрта осиёлик буюк аллома Умар Ҳайём юкоридаги тақвимлардан аниқроқ ўзгача тақвим яратган бўлиб, бирок у амалда ишлатилмаган. Кейинги 10 йилликларда ҳар хил тақвимлар ишлаб чикишга ҳаракат қилинди, бироқ турли хил сабабларга кўра булар қабул қилинмаган.

II. Ўқитувчи хикояни тутгаттач кўргазмали тақвимдан қандай фойдаланишини тушунтиради.

III. Масалалар ечиш:

1. Бир йилда неча ой бор?

30 кундан иборат бўлган ойларни ёзинг.

31 кундан иборат бўлган ойларни ёзинг.

Бундан бошқа яна ой қолдими?

Феврал ойда неча кун бор?

2. 31 кундан ибрагат бўлган кетма-кет келадиган ойлар борми?.

3. 1969 йилда неча кун бор?. Буни санамай қандай аниқлаш мумкин? Кабиса йилида неча кун бор?. Бир асрда неча марта кабиса йили келади?. XXI асрнинг биринчи - 5 кабиса йилини ифодалаб беринг.

4. Мактабда ўқиши қайси кундан бошланади?. Таътил вақти қайси ойларга тўгри келади?.

5. Декабр, январ, феврал - қиши фасли,

март, апрел, май - баҳор фасли,

июн, июл, август - ёз фасли,

сентябр, октябр, ноябр - куз фасли.

Қиши, баҳор, ёз, куз оддий ва кабиса йилларида қанча кунга чўзилади.

6. Қайси ой ва кун кёлди, агар йилнинг бошидан :

а) тўрт ой ўтди, б) беш ой ва 10 кун, в) 87 кун, г) 173 кун, д) 225 кун, е) 301 кун, оддий ва кабиса йилларини қараймиз.

IV . Оғзаки ҳисоблаш:

Болалар, ҳозир биз биргалиқда оғзаки ҳисоблашга доир бир қанча мисоллар ечамиш.

1. $a + b$ йигиндинин турли хил усулларда ҳисобланганлар.

А) $a = 8$, $b = 9$, г) $a = 2000$ $b = 1000$

Б) $a = 10$, $b = 15$, д) $a = 5700$, $b = 300$,

В) $a = 120$, $b = 100$, е) $a = 10\ 000$, $b = 9999$

2. $a - b$ айирмани ҳисобланг:

а) $a = 50$, $b = 3$, г) $a = 762$, $b = 62$

б) $a = 43$, $b = 7$, в) $a = 81$, $b = 18$,

V. Болалар энди биз Насриддин олиб келган топширикни ечишга ҳаракат қиласиз.

Жуда қизикарли тақвим тизимини биринчи бўлиб таклиф килган Ўрта Осиёлик математик ва шоир исмини аниқланг?. У қайси асрда яшаган?.

Уй вазифасини доскадан ёзаб олинглар.

Болалар, мана бугунги дарсда сизлар тақвимнинг яратилиш тарихи ҳақида маълумотта эга бўлдингиз. Ўрта Осиёлик математик олим Умар Ҳайём билан танишингизлар, Сизларга унинг битта рубойисини айтиб бераман.

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,

Бир сир қолмабдики, маҳум бўлмабди,

Туну кун ўйладим етмиш икки йил,

Охири англадим, ҳеч нарса маълум бўлмабди.

2 - синфда дарс мавзуи : Вакт билан таништириш.

Дарснинг максади:

1. Ўқувчиларни соатнинг яратилиш тарихи билан таништириш.
2. Болаларни кундалик ҳаётда соатдан фойдаланишга ўргатиш.
3. Арифметик масалаларни ёчиш.
4. Масалалар ёчиш орқали болалар билимини ошириш.
5. Ўқувчилар кизикишини ривожлантириш.

Дарс жиҳози:

1. Ҳар хил соат макетлари.
2. Сандиқча.
3. Масала ёзилган кўргазма.

Методлар: кўргазмалар, ҳикоя, сухбат орқали баён қилиш.

Дарснинг бориши:

- I. Ташкилий кисм.

- Ўқитувчи хикояси.

Одамлар вақтни ўлчаш учун соат яратдилар. Олдин күёш соати пайдо бўлди. Уларни факат кундузи ишлатишар эди.

Эгипет күёш соатларида 2 та узун тахтача бурчак шаклида мустаҳкамланган. Эрталаб күёш чиқиши билан узун тахтачада сояни белгилашган. Бу вақтни эрталаб соат 6 00 деб хисоблашган. Кейин эрталабки соянинг узунлигини 6 қисмга бўлишган. Пешин вақтида соат ўтириб кўйилган.

Натижада ҳаммаси 12 соат бўлиб, 6 соат кундуз, 6 соат кечаси келиб чиқсан. Кейинчалик бошқа соатлар пайдо бўлади: сув соатлари, кум соатлари, механик ва электрон соатлар. Улар кечки вақтни ҳам аниқлаш имконини беради.

II. Ҳозирги замон соатларининг циферболети 12 га бўлинган. Ҳар бўлимнинг олдига 1 дан 12 гача ёзилган. Соатнинг кичик стрелкаси 1 соатдан 2 сонга, 1 соатда ўтадиган қилиб ўрнатилган. Соатнинг катта стрелкаси 1 соатнинг ичидаги барча сонларни босиб ўтади.

III. Масалалар.

1. Соатларга қараб вақтни аниқланг.

2. Куйидаги вактларда соат стрелкалари қандай жойлашади.

А) 4 дан 15 минут ўтди?

Б) 9 дан 48 минут ўтди?.

В) 15 дан 55 минут ўтди?.

Г) 22 дан 10 минут ўтди?.

3. Самолёт соат 7 дан 15 минут ўтганда ҳавога кўтарилиди, соат 10 дан 20 минут ўтганда у қайтиб ерга кўнди. Самолёт ҳавода қанча вакт учган?.

4. Поезд эрталаб соат 9 дан 18 минут ўтганда йўлга чиқди, манзилга соат 21 дан 56 минут ўтганда етиб келди. Поезд қанча вакт йўл юрган?.

5. Театр томошаси кечкүрун соат 10 дан 50 минут ўтганда тугади.
Агар у 3 соат 20 минут давом этган бўлса, томоша қачон бошланганини аникланг?.

6. Такқосланг.

3 соат \square 48 минут

5 соат 1 мин \square 56 минут

36 секунд \square 48 минут

20 мин 40 сек \square 200 сек

1 соат 18 мин \square 118 мин

4 мин 8 сек \square 48 секунд

IV. Энди болалар биз сизлар билан арифметик мисоллар ечамиз:

а) $9*4:1 + (70 - 8*8)*1 - 0 : 35$

б) $729*(5 - 5) + (27:3 + 6) - 48 : (2*3)$


в) $8000 : 4 : 20 - 1*(20*7 - 50) : (705 - 5)$

г) $90*50 + (80*4 + 0*1) : 10 - (9*9 : 3 + 1)$

д) $19*0 + (13 - 8) : 5 * 296 - 86 : 1$

е) $(48 + 5 : 5) : 7 - 6 * (29 - 28) : 3$

V. Болалар, биз арифметик мисоллар ечаётганимизда сехрли сандикча пайдо бўлиб қолган. Унинг олдида кўргазма жойлашган бўлиб, унда топшириклар берилган. Шу топшириклар ечилса сехрли сандикча очилиши мумкин экан.



1. Кўпайтма ва бўлинма коидаларига доир мисоллар ечишимиз керак.

$20*40 = \square\square\square\square$

$4900 : 700 = \square\square\square\square$

$800*4 = \square\square\square\square$

$360 : 69 = \square\square\square\square$

$70*900 = \square\square\square\square$

$5600 : 8 = \square\square\square\square$

$5000*4 = \square\square\square\square$

$24000 : 30 = \square\square\square\square$

Уйга вазифа

Үкитувчи уй вазифасини доскага ёзиб кўяди.

Болалар биз бугунги дарсда соатнинг яратилиш тарихи билан танишиб олдик, кундалик ҳаётда соатдан фойдаланишни ўргандик уйда ўзларингиз билимларингизни текшириб кўринг. Шундай қилиб тарихий материалларни ўрганиш жараённида:

- Хулоса а) ўкувчиларни турмушга амалий ва психологияк тайёрлашда;
- б) турли обидалар тарихидан фойдаланишни ўрганишда;
 - в) қасб-хунарга йўллаш масалаларининг тез ва чукур шаклланишида;
 - г) фан ва техника ютукларидан унумли фойдаланишни амалий қўллашда;
 - д) одоб, ахлок, юксак маданият фазилатларини юксалтиришда;
 - е) дўстлик, биродарлик, меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам туйғуларини ўстиришда муҳим ўрин тутади.

Ўкувчилар тарихий материалларни ижтимоий аҳамиятини чукур англарни жуда муҳимдир. Агар ўкувчига тарихий элементларни ўргатиш жаённида амалга оширилган тарбияси мазмунни оммабоп қилиб содда холда тушунирилса, ўкувчиларда онгли равищда фанларни ўзлаштиришда билиш фаолияти бирмунча самарали кечади.

ЎРТА ОСИЁЛИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯЧИ ОЛИМЛАР.

Ўрта Осиёлик энциклопедиячи олимлар бизнинг буюк аждодларимиз Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Умар Хайём, Улугбек, Г. Коший, Али Йушчи, Насриддин ат-Тусий ва бошқалар фан ва миллий маданиятимиз тараққиётiga катта ҳисса кўшидилар. Бу номлар, уларнинг жаҳон илм фани равнақига кўшган ҳиссалари бугунги кунда оламга маълумдир. Биз ҳар бир олимнинг ижоди ва математикага кўшган ҳиссасига тўхтаб ўтамиз.

МУХАММАД ИБН МУСО ХОРАЗМИЙ

Улуг олимнинг тўлиқ исми Абу Абдулоҳ Мұхаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий Ал-Маъжусийдир. 783 йилда Хоразмда туғилғанлиги ва 850 йилларда Богдод шаҳрида вафот этганилиги таҳмин қилинади. Олим номининг ёзилиши араб тили тартибида бўлиб, узбек тилида Мусо ўғли Абу Абдулла Мұхаммад Хоразмлик Маъжусий деган маънодадир. Олимнинг тўлиқ исмидаги "ал-Маъжусий" деган суз унинг лақаби бўлиб, бу унинг Хоразмда исломдан йилгари хукм сурган ўтпараматлик дини коҳинлари-маъжуслар оиласидан келиб чикқанлигини кўрсатади. Бошлангич таълимни ўз ватани Хоразмда олган. IX аср бошларига келиб биз уни Марвда - халифа Хорун ар-Рашидининг ўғли ва ноиби ал-Маъмун ар-Рашид сароида учратамиз. Турк фан тарихчиси Солих Закийнинг маълумотига кўра, Хоразмий IX аср бошида ал-Маъмуннинг буйруғи билан ташкил килинган бир экспедиция билан Шарқий Афғонистонга, яъни ўша вақтдаги Ҳинди-стоннинг гарбига боради ва у ерда хинд ҳисоби ва рақамлари билан танишади. Бу экспедициянинг фан тарихидаги аҳамияти бебаҳо, чунки бу кейинчалик бутун дунёга "араб рақамлари" деб аталган хинд рақамларининг ва ўнли позицион ҳисоб тизимининг таркалишига сабаб бўлади. 819 йилда ал-Маъмун Богдодда халифалик лавозимига ўттач, у билан бирга Марвда унинг саройида бўлган барча олимлар Богдодга келадилар. Шу орада ал-Маъмун Богдодда "Байтул ҳикмат" яъни "Донишмандлик уйи"ни ташкил килиб, у ерга Марвдан келган олимлардан ташкири барча мусулмон мамлакатларидан олимларни тўплайди. Хоразмий "Донишмандлик уйи" негизида ташкил этилган астрономия расадхонасида мудирлик килади. "Донишмандлик уйи"га Шарқ олимларининг асарлари ва қадимий юонон олимларининг илмий асарлари Византиядан келтирилади. Богдодда катта кутубхоналар, мадраса ва бошка ўкув муассасалари ташкил қилинади. "Донишмандлик уйи"нинг бир кисми кутубхона бўлиб, унга ҳам Мухам-

мад Хоразмий раҳбарлик қилади. "Донишмандлик уйи"да кўплаб олимлар, таржимонлар ва қўлёзмаларни кўчириб ёзувчи котиблар иш олиб боради. Тарихий маълумотларнинг маълумот берисича, Хоразмий "Донишмандлар уйи"да ишлаган йирик математик ва астрономлар орасида ўзининг иммий кобилияти билан ажралиб турган, кейинчалик у Боғдодда ташкил топган математика ва астрономия мактабига раҳбарлик қилган.

Мухаммад Хоразмий асарларининг сони хозиргача маълум эмас, лекин фан тарихида муҳим ўрин тутган арифметика, алгебра, астрономия ва географияга оид 5 та асари бизгача етиб келган. У халифа ал-Маъмун даврида "Ал-қитоб ал-Муҳтасар фи хисоб ал-жабр ва ал-Мукобала", "Зиж" ва "Хисоб ал-Хинд" номли асарларини ёзди. Халифа ал-Мужассим даврида эса "Суъратул арз"ни Халифа Восик даврида яхудийлар тақвими ҳақидаги рисоласини ёзди. Бу асарлар дастлаб араб тилига, сўнгра лотин тилига бир неча марта таржима қилинади. Мухаммад Хоразмийнинг арифметикага оид асари Европада XII асрдан бошлиб лотин тилига таржима қилиниб, ўрганилади. Бу асарнинг кириш кисмида-Хиндлар тўққизта ракам билан уларнинг ўзлари ўрнатган тартибга асосан жойлашишига кўра, хар кандай сонни ёза билганлар.

"Мен ўрганувчилар учун тушунарли ва содда бўлишини назарда тутиб, бу ракамлардан нималар ҳосил бўлишини кўрсатмоқчи-ман", -дейди Мухаммад Хоразмий ва ўнли позицион саноқ тизимини баён этишга киришади. Аввал у, тўққизта раамнинг ёзилиш шаклини, бу ракамларнинг айримлари, масалан, беш, олти, етти ва саккиз хамма муаллифларда ҳам бир хил эмаслигини уқтиради. Сунгра сонларни ҳосил қилинадаги "бир"нинг ахамиятига тухвалиб, у "бир" хар кандай сонда мавжуд ва сонларни ҳосил килувчидир", дейди. Хоразмий "бир"ни асос деб, у сонлардан ташкарида эканлигини уқтиради.

Хоразмий сонларни ифодалашда зарур булган хоналар хакида ту-

шунча бергач, санокнинг унли позицион тизимининг асосий принципларини баён этади. Сунгра мисол тарикасида ундан юзгача, юздан минггача булган унликлар ва улар орасидаги сонларнинг ракамлар билан ёзилиш шаклинни беради.

Хоразмий хар кандай катта соннинг номини аташ учун яна учта ном "ашара"-10, "мио"-100, ва "алф"-1000 кераклигини уктиради ва катта сонларни укишни ургатади.

1.180.073.051.497.863 сонини шундай укийди.

Минг-минг-минг-минг-минг /беш марта/, 100 минг-минг-минг-минг /тўрт марта/, 70 минг-минг-минг /уч марта/, 3 минг-минг-минг /уч марта/, 51 минг-минг/икки марта/, 400 минг, 92 минг ва 863. Катта сонларни бундай чўзиб ўкиш Шаркда узок вакт сакланиб келган.

Мухаммад Хоразмий арифметика рисоласида олтита амал кушиш, айриш, купайтириш, булиш, даражага кутариш ва илдиз чикаришдан ташкари иккилантириш ва яримлатишни алоҳида амал хисоблаган. Хоразмий арифметик асарининг лотин тилига килинган таржимасида арифметик амалларнинг таърифи берилмайди.

Хоразмий кушиш ва айриш амалини хозирда биз кандай бажарсак, шу тарзда бажарган. Факат амални юкори хонадан бошлаб тавсия килади, йигинди ёки айрмани, кушилувчи ёки камаювчи ракамларни учириб урнига ёзади. Хоразмий узининг арифметик асари оркали бутун дунёга хинд ракамларини ва уларга асосланган унли позицион хисоблаш тизимини таркатади. Хисоблашда рим раками ва сонларни суз оркали ёзиб бажаришдаги нокулайликларни бартараф килади, бу билан хисоблашни ихчамлаштириди. Хоразмий узининг асари билан фанга Алгоритм тушунчасини киритади.

Хоразмий математика тараққиётидаги яна муҳим урин тутган алгебрага доир "Ал-китоб ал-мухтасар фи хисоб ал-жабр ва ал-муқобала" номли

асарини яратади. У бу асари билан алгебрага асос солади ва алгебрани алохидатан даражасига кутараади. Хоразмийнинг бу асари асосан уч булимдан иборат булиб, биринчи булимда ал-жабр ва ал-мукобала /тиклаш ва карама-карши куйиш/ ёрдамида биринчи ва иккинчи даражали, бирномаълумли тенгламаларни ечиш, рационал ва иррационал ифодалар билан амаллар бажариш хамда тенглама ёрдамида сонли масалаларни ечиш йуллари берилади. Иккинчи булим геометрияга тегишли булиб, унда микдорларни улчаш ва улчашга доир масалаларга алгебранинг бальзи бир тадбиклари курсатилади. Учинчи булимида алгебранинг амалий табики, яъни мерос булишга доир масалалар берилади.

Хоразмий асари, уз мазмунин билан назариянинг элеминтларини узичига олган амалий математиканинг бир кисмидир. Мухаммад Хоразмий алгебраик асарининг кириш кисмидаги фан тараккиётидаги олимларнинг күшган хиссалари ва халифа ал-Маъмун илм-фанга катта эътибор берганлигини уктириб уз асарининг ахамияти ҳакида тўхталиб, унинг ал-жабр ва ал-мукобила ҳакидаги китоби арифметиканинг содда ва мураккаб масалаларини уз ичига олганлиги, улар мерос улашиш, васиятнома тузиш, мол-дунё таксимлаш учун, суд ва савдо ишларида, ер улчамларида, каналлар қазиш ва юз ўлчамларда зарурлигини таъкидлайди. Меросхўрлар ўргасида мулк таксимлаш ҳакида турлича мазмунда 60 дан ортик мураккаб масалаларни тенглама ёрдамида ечиш йулларини кўрсатади.

Мухаммад Хоразмий алгебраик асарининг асосий мақсади мусулмонларнинг хуқуқ нормаларини, меросхўрлар ўргасида мулкни таксимлаш масаласини назарий ва амалий жиҳатдан еритишига каратилади.

Хоразмийдан кейинги даврларда урта аср Шарқ олимларидан Сирожиддин Сижовандий, Тусий, Жамшид Коший ва бошкалар унинг илмий ва амалий назариясини бойитадилар.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

Ўрта асрда яшаб ижод этган машхур олимлардан бири Хоразмлик буюк аллома Абу Райхон Мухаммад ибн Ахмад Беруний 973-1048г дир. У илк урта асрда Урта Осие халкларининг иктисадий ва маънавий хаётидагатта воеалар содир булаетган бир даврда яшади.Ҳакикатдан, тарих сахифаларига бир назар ташласак жуда оғир бир шароитда яшаб ижод килганлигининг гувоҳи бўламиз.

Беруний 973 йил 4 сентябрьда Хоразмнинг кадимий Кот (хозирги Беруний) шаҳрида туғилади Абу Райхон Беруний дуне фани тарихидаги ёркин из колдирган улуг энциклопедиячи олимлардан бири у бизга маълум булишича, 150 дан ортик илмий мерос колдирганлар. Олимнинг асарлари математик жихатдан турли-туман, математика, физика, астрономия, геодезия, матерология, этнография, филология ва фалсафа фанлари соҳаларида колдирган илмий меросидир.

Шунинг учун академик С.Х.Сирожиддинов Беруний ижодига "Беруний кизиккан соҳаларни санаб чикишдан кура кизикмаган соҳаларни санаб чикиш осонроқдир" деб баҳо берган. Берунийнинг ижоди узининг тури ва кулямининг кенглиги билангина эмас, балки теранлиги ва хаётийлиги билан ҳам кимматлидир.

Беруний узининг арифметикадан "Хинд рошиклари хакида китоб" асарида урта аср арифметикасида жуда кенг таркалган машхур улчамли коидани куриб чикади. Беруний ўзининг "Ҷдгорликлар" деган асарида геометрик прогрессия хадларининг йигиндисини топиш усулини хусусий мисолда курсатади.

Берунийнинг асарларида математикага доир масалаларни куйидагича холосалайди.

1. Беруний Эвклид ва Мухаммад Хоразмийнинг гояларини ривожлантириб

назарий элементларни уз ичига олган арифметика ва алгебрани карайди. У арифметика ва алгебранинг асосий масалаларига таъриф беради ҳамда унли ва олтмишли тизимнинг асосий принциплари, абжад хисоби, квадрат ва куб тенгламаларни такрибий ечиш усулларини баён этади.

2. Беруний геометрик микдорларни сон деб караш билан бу микдорлар устидаги арифметик амалларни бажаришда сон тушунчасини мусбат ҳакиқий сонларгача кенгайтиради.

3. Мухаммад Ҳоразмий арифметик асарида "аралаш тизим" унли ва олтмишли тизимни куяллаган булса, Беруний уз асарида биринчи булиб бир эрадан иккинчисига утишда бутун сонлар учун олтмишли тизимни куляйди.

I. Беруний геометриянинг асосчиси Эвклиднинг асосий геометрик тушунчалар ва геометрик шаклларга берган таърифларининг айримларини аниклаш ва тулдириш билан бу таърифларга тенг кучли таърифлар беради.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Абу Али ибн Сино 980 йилда Бухоро шаҳрида туғилади.

Ибн Синонинг отаси илм фанининг кадрини билган киши эди. У ўғлининг ўқимишили бўлиши учун ҳаракат қиласади. Ибн Сино беш ёшга етганда уларнинг оиласи Бухоро шаҳрига қўчиб келади.

Ибн Сино тез орада, яъни 10 ёшлигига кўп билимларни ўзлаштиради, у ўзининг ўткир зехни ва қобилиятини билан ҳаммани ҳайратда қолдиради. Ўғлининг бундай зўр қобилиятини кўрган Абдулло Бухоронинг энг кўзга кўрининган олимларини чақириб Ибн Синони уйда ўқитади. Ибн Сино улардан фалсафа, астрономия, математика, физика каби фанлардан дарс олади.

Ибн Сино 18 ёшга етганда факат Бухорога эмас, балки бутун Шарқка машхур олим ва табиб сифатида танилади. Лекин Ибн Синонинг тинч ижодий ҳаёти узокка чўзилмади.

999 йилда қорахонийлар Бухорони ишғол этади. Бу билан сомонийлар су-
лоласи тугайди. Шу орада Ибн Синонинг отаси вафот этади. Бу билан Ибн
Синонинг ҳаётида осойишталик ҳам йўқолади. Шу сабабли Ибн Сино
1004 йил атрофида Бухородан, ўз она Ватанидан чиқиб кетишга мажбур
бўлади.

Бу даврда Хоразм давлатининг пойтахти Урганч шаҳри жуда та-
раккий этган фан, маданият марказларидан бири эди.

Ибн Сино ҳам Урганч шаҳрига келади. Унда машҳур олимлар билан уч-
рашиб, улар билан бирга илмий иш олиб боради, мунозараларга фаол кат-
нашади. Ибн Сино кўп қийинчилклардан сўнг Хурросон чегарасидаги
Обивард (ҳозирги Туркманистон территориясида) шаҳарчасига етиб кела-
ди. Бунда бир оз яшаб, ундан Нисо шаҳрига (ҳозирги Ашхобод шаҳри
якинида бўлган), сўнг Нишопурга (ҳозирги Эрон территориясида) ўтади.
Ибн Сино, Султон Махмуд айғокчилари кўлига тушиб колищдан ўқиб, бу
ердан Журжон шаҳрига кетиб, унда яширин иш олиб боради. Бу ерда, у
илмий машғулотлар билан ва халқ оммасини даволаш билан шугулланади.
Тез орада унинг шон-шуҳарти Журжон вилоятининг хукмдори Қобусга
етади. У Ибн Синога шу шаҳарда қолиб бемалол фаолият курсатишга ижо-
зат беради. Ибн Сино катта маҳорат билан илмий машғулотлар ўтказади,
ёшларга ўз билимларини ўргатади, кўп шогирдлар тайёрлайди. Шу
шаҳарлик Абу Убайдулло Жужоний-Ибн Синонинг энг истеъоддли шо-
ғирди ва содик дўсти бўлиб қолади ва умрининг охиригача у билан бирга
бўлади.

Ибн Сино Журжонда ўзининг бир қанча асарларини, жумладан,
Машҳур "Тиб қонунлари" асарининг бошлангич бўлимларини, "Қисқарти-
рилган Алмагест" ва бошқаларни ёзади.

Ибн Сино 1037 йилда Ҳамадон (Эрон)да вафот этади. Унинг қабри ва унда
кўрилган макбара Ҳамадон шаҳрида ҳозиргача сақланиб қолган.

ИБН СИНО АСАРЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Энциклопедиячи олим Ибн Синонинг кўп асарларида, шу жумладан "Ашшифо" ва "Донишнома" асарларида физика ва математика фанларига багишиланган маҳсус бўлимлар бор. Бу бўлимларда физика, геометрия, астрономия, арифметика ва мусика назариясига доир масалалар баён этилган.

Машхур олим Ибн Сино ўзининг илғор ва юксак ғояларини оммага етказиб, ҳалқ учун мумкин қадар кўпроқ асарлар яратиш, ўз асарлари оркали ёш авлодга фан асосларини ўргатиш ва ўқитишини асаосий мақсад килиб олди. Шунинг учун ҳам олимнинг "Ашшифо" ва "Донишнома" асарларида "квадривиум" математикага доир бўлимларга катта аҳамият берилган ва бу булимлар, ўқувчиларга тушунарли бўлиш учун, содда тилда баён этилган.

"Ашшифо" асарида "квадривиум" математикага доир бўлимлар: Қисқартирилган Евклид", "Қисқартирилган "Алмагест", "Сонлар фани", "Мусика фани" деб аталган. Масалан, "Сонлар фани" бўлимида 9 сони ёрдамида сонларнинг квадратга ва кубга кўтариш амалларининг тўғрилилгини текшириш ҳақида кўйидагича қоидалар берилган:

Ибн Сино томонидан берилган бу қоидалар шуни кўрсатадики, арифметик амалларни, сонларни квадратга ва кубга кўтаришнинг тўғрилилгини 9 сони билан текшириш (мезон олиш) Ўрта Осиё математикларига маълум бўлган. Кейинчалик бу қоидалар Ўрта Осиё математиклари асарлари оркали ёарб мамлакаталрига тарқалади.

УМАР ХАЙЁМ

XI асрда яшаган Ўрта Осиё халкларининг классик шоири буюк энциклопедиячи Абу Фатх Умар ибн Иброҳим Хайём 1048 йилда Ҳурисоннинг Нишопур шаҳрида туғилади. Умар Хайём Ўрта Осиё ва Эроннинг Самарқанд, Бухоро, Исфахон, Нишопур шаҳарларида яшайди. Хайём сulton саройида маслаҳатчи ва табиблик қилиш ташкари мунажжим ҳам булган. Хайём табиёт фанларига ҳам кизикади, у "Таркибида тилла ва кумуш булган жисмда тилла ва кумушни аниклаш" номли рисола ёзди. Хайёмнинг математика ва астрономияга доир ишлари ҳакидаги Европа олимларининг асарлари унинг Европага факат шоиргина эмас, балки истеъдолли олим сифатида ҳам танигади.

Тенглама ва тенгламалар системасини ечиш масаласи узок утмиш тарихга эга. Кадимги Миср, Бобил, Юнон, Хитой ва Хиндистонда ҳам шу масала билан шугулланганлар.

Мухаммад Ҳоразмийдан кейинги даврда Шарқ математиклари алгебра ва геометрияниң айрим соҳаларини жуда тез ривожлантирадилар. Улар астрономия ва геометрияга оид масалаларни ҳал қилиш кубик тенгламаларни счимга келтирилишини билдилаr. Кубик тенгламани ечис масаласини Умар Хайём узининг 1069-1071 йилларда ёзган "Ал-жабр ва ал-мукоила масалаларининг исборти ҳакида" номли асарида биринчи булиб ҳал қиласди. Квадрат ва кубик тенгламаларини 24 хил каноник куринишдаги таснифини беради.

Хайёмнинг бу ижоди Ўрта Осиё ва умуман Шарқ математикларининг уша давргача алгебра соҳасида эришган ютукларининг чуккисидир. Сонлардан исталган натуран курсаттичили илдиз чиқариш ҳакида "Хисобдаги мушкуллик" / "Мушкулот ал-хисоб" асар ёзганлигини курсатади. Афсуски бу асар хозиргача топилмаган.

Умар Хайём умрининг 20-25 йилини кашшоклик ва оғир шароитда утказди. У 1123 йилда Нишопурда вафот этади.

Умар Хайём кўп ишларни амалга оширган булсаларда лекин мен хали хеч нарса яратса олмадим деб тъкидлайди уз рубойларида.

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди
Бир сир колмайдики, мавхум бўлмабди
Туну кун уйладим етмиш икки йил,
Охири англадим, хеч нарса маълум бўлмабди.

НАСРИДДИН АТ-ТУСИЙ

Ўрта Осиё олимлари каторида Шарқка машҳур бўлган, Марога расадхонасининг асосчиси, XIII асрнинг энг йирик олими Абу Жаъфар

Мухаммад ибн Мухаммад Насириддин ат-Тусий ўз асарлари билан дунёга маълум. У фаннинг турли тармоқлари-астрономия, математика, фалсафа, мантик, география, музика ва бошқа фанлардан илмий асарлар ёзди.

Тусий асосан астрология 1256 йилда Кужистонни босиб олган Чингизхоннинг набираси Хулогуҳон саройида маслаҳатчи вазифасини бажаради. Тусий ташаббуси билан Марога шахрида катта астрономия расадхона курилади ва бу расадхонага Тусий илмий раҳбарлик килади.

Насириддин Тусий геометрия ва тригонометрияning тараккиётида муҳим аҳамиятга эга булган асарлар ёзди. У грек олими Евклиднинг "Негизлар" номли асарини шархлаб, күшимчалар киритиш билан "Таҳрир Уҳлидис" номли асар ёзган. Тусий бу асарда Евклиднинг фикрларини ривожлантиради ва такомиллаштиради. Тусийнинг энг муҳим күшимчаларидан бири нисбатлар назариясидир. Тусий нисбатлар назариясини ишлаб чиқиб, биринчи булиб, бир хил исмдаги микдорлардан бирининг иккинчисига нисбати, нисбати исмсиз сонлар нисбати деган тушунчани фанга киритади ва

улчовсиз микдорларнинг нисбати сон деб хисоблайди.

Тусий "Тўла тўртбурчаклар" /шакл ул китъя/ номли тригонометрияга доир асар ёзиб, системалашган тўғри чизикили ва сфера тригонометрияни яратади ҳамда тригонометриянинг алоҳида даражасига ўтишдаги мухим масалани тўла-тўкис ҳал килади. Тусийнинг бу асари ҳакида Немис математика тарихчиси Браунмюль /1853-1908/ шундай дейди: "Тусийдан олдин Абул Вафо, Абул Насир, Беруний ва бошкалар астрономияга доир асарларида тригонометрияга етарли ўрин берган бўлсалар-да, уларда тригонометрия алоҳида фан бўлмасдан, воситачи ролини ўйнаган. Тусий, аксинча, тригонометриянинг математик аҳамиятини билиб,. "Тўла тўртбурчаклар" асари билан тригонометриянинг алоҳида фан эканини асосслаб беради. Шунинг учун Тусийнинг бу асарини системалашган тригонометрия номи билан аташ мумкин.

УЛУГБЕК

Машхур астроном, математик, тарихчи, Самарқанд расадхонасиининг асосчиси ва ундаги илмий мактаб раҳбари Улугбек жаҳоннинг энг йирик астрономлари қаторидан жой олган олимдир.

Амур Темурнинг ҳарбий сафарларида, унинг оила аъзолари ҳам биргаликда боришлари одат бўлиб қолган эди. Шарқ томонга кетаётган шундай сафарларнинг бирида. Султония шаҳарида дам олиш учун тўхтаган вактда, 1394 йил 22 марта Темурнинг 17 га кирган кичик ўғли Шохрухнинг хотини Гавҳаршод ўғил тугади, унга Мухаммад Тарагай деб исм берилади. Кейинчалик унга берилган Улугбек лақаби унинг номига айланиб қолган. Улугбек Темурнинг бир неча сафарларида, масалан, машхур Хиндистон сафарида (1397-1398), гарбга қилган сафарида (1399-1404) сарой аъзолари билан биргаликда, бобосини узатиб борган.

Улугбек ёшлигиданоқ юонон олимлари Платон, Аристотель, Гиппарх, Птолемей, ватандошлари Фаргоний, Беруний, Ибн Сино каби олимларнинг асарларини ўргана бошлади. Улугбекнинг ўткир зеҳни, доимий ва изчил мутолааси, уни бойитади

Улугбекни бобоси Темур каби харбий юришилар қизиктирмас эди. Отаси Шоҳруҳ, Ҳиротда (Хурросон давлатининг пойтахти, бу давлатга Шоҳруҳнинг ўзи хокимллик қиласр эди) ўз атрофига руҳонийларни йигиб олиб эркин фикр эгаларини таъкиб килган бўлса, Улугбек Самарқандда, ўз атрофига олимлар ва шоирларни тўплаб фан, адабиёт ва санъатнинг тараққий этишига кенг йўл очиб берди, ўзи табиий фанлар билан бевосита шуғулланади.

Улугбек йирик олим бўлиши билан бирга, ўз давридаги фан тараққиётига бош бўлди. Машхур математик ва астроном олимларни ўз атрофига тўплаб, илмий мактаб ташкил этди.

Улугбек раҳбарлигига 1424-1428 йилларда Самарқандда энг такомиллашган асбоблар билан жиҳозланган астрономик расадхона курилади. Олим ва шоир Захриддин Мухаммад Бобир ўз асирида, бу расадхонанинг биноси катта уч ошёили, жуда баланд, гоят ҳашаматли бўлганлигини ёзди. Самарқанд расадхонасида эришилган илмий тадқиқотларнинг энг йирик юлдузлар ва сайёралар ҳаракатига бағишиланган "Янги астрономик жадваллар" ("Зичи жадиди Кўрагоний") бўлиб, бу асар ўрта аср астрономия фанинг дурдонаси хисобланади ва шарқ астрономия фанининг тараққиётига салмоқли хисса қўшган мумтоз асардир. Бу асар 1437 йилда ёзib тамомланган.

Астрономиянинг назарий ва амалий масалаларига бағишиланган бу асарда тақвим тузиш билан боғлик бўлган масалалар: араблар, юононлар, эрон, хитой ва ўйғур саналари, даврлар, йил ва ойлар, кун ва хафтлар, саналарнинг келиб чиқиши ва уларнинг бир-бирига муносабати, Йуёш ва

Ойнинг ҳаракати баён килинган. Шунни айтиш керакки, Улугбек Йуёш ва Ой ҳаракатини тўғри ҳисоблаган, унинг бу соҳадаги ҳисоблаш натижалари ҳозирги ҳисоблашлардан жуда оз фарқ қиласди. Масалан, эклиптика текислигининг экваторгага ормалигини Улугбек $23^{\circ} 30' 17''$ деб топган, назарий ҳисоблаш бўйича бу микдор $23^{\circ} 30' 49''$ бўлиши керак, демак, бундаги хато фарқ $0' 32''$ ҳисобланади. Бу асарнинг бошка бўлимида тригонометрияга оид жадваллар келтирилган ва 1019 юлдузнинг вазияти кўрсатиб берилган. Бу жадваллар ўзининг аниклиги билан кишини ҳайратда қолдирди. Масалан, машхур француз олим, математик, астроном Лаплас шундай деб ёзган: "Улугбек-Самарқандда, ўз вилоятининг марказида, Тихо Брагегача мавжуд бўлиб келган ёнг яхши ҳисобланган янги, юлдузлар каталоги ва астрономик жадваллар тузди".

Тригонометрик жадваллар тузиш ва у билан боғлик бўлган ҳисоблашларни бажариш шубҳасиз оғир иш ҳисобланади. Улугбек расадхонасида унинг жадвалларини ҳисоблаган маҳсус ҳисоблаш маркази бўлиб, унда ҳисоблашлар билан машғул кўп сонли математиклар йишилганлар ва турли ҳисобларни аник бажарища улар кўп меҳнат сарфлаганлар.

1449 йил 27 октябрда машхур олим Улугбек, реакцион рухоний фитначилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. 1941 йил 18 июнда академик Йори-Ниёзий раҳбарлигига Самарқанддаги Темур мақбарасидаги Улугбекнинг қабри очилган эди. Улугбек ўз кийимлари билан кўмилганлиги маълум бўлди. Чунки шахид бўлган киши, шариатга мувофик шундай кўмилган. Олимнинг буйин суюклари ўтқир қилич билан кесилганлиги маълум бўлди.

ФИЁСИДДИН АЛ - КОШИЙ

Улугбек илмий мактабининг йирик олимларидан бири Жамшид Коший хисобланади. Коший 1385 йилда Кошон шаҳрида (Техрон билан Исфахон шаҳарлари ўртасида туғилди. Шу сабабли уни Кошоний деб ҳам юритадилар. Коший ёшлигиданоқ ўз даврининг етук математик, астроном олими сифатида шұхрат қозонади. Бошқа олимлар катори уни Улугбек Самарқандга таклиф этади. Коший бу таклифни қабул килиб, 1417 йилда Самарқандга келади.

Жамшид Коший Самарқандда Улугбек расадхонасини куриш ишларига фаол қатнашади, чукур илмий ишлар олиб боради. Уларни ўзининг астрономиядан ёзган 10 та ва математикага доир ёзилган 3 та энг йирик асарида баён этган. Коший 1430 йилда Самарқандда вафот этди.

1. Жамшид Коший ўзининг астрономик асари -"Хокқоний астрономия жадваллари" асарини 1413 йилда Кошон шаҳрида ёзип, уни Шоҳруҳ мурзога бағишланды. Бу асар Насриддин Тусийнинг "Элхоний жадваллари"га ўхшаш бўлиб, Насриддиннинг бу асарини Коший қайтадан ишлаб чиқади ва янги жадваллар тузади. Бу асар форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, унинг кўл ёзмалари Машҳад ва Истамбул кутубхоналарида сакланмоқда.
2. "Осмон нарвони" асари, астрономияга бғишиланган. Бу асар араб тилида ёзилган бўлиб, унинг кўл ёзмалари Техрон университети кутубхонасида ва Машҳад кутубхонасида сакланади.
3. "Ватар ва синус ҳақида рисола" асарида бир градусли бурчакнинг синуси аникланади.
4. "Устурлаб ясаш ҳақида рисола" асарини 1416 йилда Кошон шаҳрида форс-тожик тилида ёзган.
5. "Айлана узунлигининг диаметрига нисбати" асари 1424 йилда Самарқандда форс-тожик тилида ёзилган.

Жамшид Коший асарлари орасида жуда катта ахамиятта эга бўлган ва Улуғбек давридаги математик билимлар савиясини кўрсатувчи иккита машхур асар бўлиб, биз улар устида тўхтадамиз. Булардан бири "Арифметика калити" (Мифтоҳулхисоб"). Бу асар ўрта ва элементар математика энциклопедияси ҳисобланади. 1427 йида ёзилган бу китоб бир неча аср давомида Шарқ мамлакатларида талабалар учун математикадан асосий ўкиш китоби бўлиб хизмат кўлди. Ҳозирча бу асарнинг 7 та қўлёзмаси маълум бўлиб, улар Ленинград, Берлин, Лондон, Парижда сакланмоқда.

"Арифметика калити" асари кириш ва беш кисмдан иборат.

Кириш кисмida арифметиканинг таърифи, сон ва унинг турларига багишланган. Биринчи кисми бутун сонлар арифметикасига багишланган бўлиб, 6 бобдан иборат. Иккинчи кисми каср сонлар арифметикасига багишланган, бу кисм 12 бобдан иборат. Учинчи кисми астрономларнинг ҳисоблаш усулларига багишланган бўлиб, 6 бобдан иборат. Тўртинчи кисми микдорларни ўлчаш масалаларига багишланган, кириш ва 9 бобдан иборат. Бешинчи кисмida, алжабр вал-муқобала ёрдамида номаълумларни аниклаш ва бошка арифметик ғондалар баён этилган бўлиб, 4 бобдан иборат.

Биринчи кисмда бутун сонлар арифметикасига хинд ракамлари, улар воситасида сонларни ифодалаш, бутун сонлар утида амалиар: кўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш, илдиз чиқариш, тазиф ва таснif амаллари баён этилган. Булар орасида катта ахамиятта эга бўлган, сонлардан ихтиёрий мусбат бутун кўрсаткичли илдиз чиқариш ва икки ҳад-биномни бутун мусбат даражага кутариш амаллари бор.

Илдизнинг илмий таърифи Хоразмий замонларидайк маълум бўлса хам, илдизларни амалий ҳисоблаш масаласи ҳали кейинчилик туғдирав эди. Квадрат ва куб илдизларни ҳисоблаш Хоразмий, хинд математиги Ариабхатта ва бошка олимлар асарларида баён этилган. Тўртинчи ва бешинчи

даражали илдизларни хисоблаш қоидалари Умар Хайём асарида баён этилган, аммо бу асар бизгача стиб келмаган.

Коший эса бутун сонлардан иктиёрӣ мусбат даражали илдиз чиқариш нинг умуий қоидаларини баён этди ва уларни конкрет мисолларда тушунтиради. Икки сон йигиндиси ёки айримаси, яъни биномни бутун мусбат даражага кўтариш. И.Ньютон (1643-1727) биноми номи билан маълум. Аммо Коший томонидан ёзилган бу асардаги қоидалар биномин бутун мусбат даражага кўтаришга багишланган.

Асарнинг иккинчи қисмида турли касрлар: суратлари бир бўлган миср касрлари, маҳражлари 60 га тенг бўлган бобил касрлари, сурат ва маҳражлари турли сонлар бўлган оддий касрлар, уларни ёзиш усуслари, касрлар устида амаллар бажариш, уларни бир кўринишдан иккинчи кўринишга келтириш ва бошқалар баён этилган.

Бунда Коший маҳражлари 10, 100, 1000 ва ҳ к бўлган касрларни, яъни ўнли касрларни назарда тутади, уларга таърифлар беради, "ўндан", "юздан", "мингдан" ва ҳаказо атамаларни киритади. Коший ўнли касрларни ёзишда бутун қисмдан сўнг вертикал чизиқ чизиб, сўнг каср қисмини ёzáди, ёки бутун қисмини бир хил сиёҳ билан, квадрат қисмини бошка хил сиёҳ билан ёzáди. Ўнли касрлар устида амаллар бажариш қоидаларини беради ва уларни жуда кўп мисоллар билан туширитади. Шундай килиб, Коший ўнли касрлар назариясини асослаган олим ўнли касрлар ҳакида биринчи бўлиб танилади

Шуни айтиш керакки, Европада ёзган Коший замонидан бир ярим аср кейин яшаган голландиялик инженер Симон Стевин (1548-1620) ўнли касрлар ҳакида биринчи бўлиб ёzáди.

Маълумки ўнли касрлар математика ва бошка фанларда кенг кўлланилади, айникса унинг амалий татбиклари жуда кенгдир.

АЛИ ҚУШЧИ

Улугбек илмий мактабининг атоқли намояндаларидан бири, Улугбекнинг яқин шогирди, машхур олим Аловиддин ибн Мухаммад Али Йушчи 1402 йилда Самарқандда туғилади. У бошлангич маълумотни Самарқандда олиб, 1414 йилгача ўқиши давом эттиради. Ўз маълумотини ошириш учун 1414 йилда Эронга, Кирмон шаҳрига жўнайди ва у ерда уч йил табиий фанларни пухта ўрганади, Кирмон шаҳридаги мадрасада таълим олади. Али Қушчи 1417 йилда яна Самарқанд шаҳрига қайтади. Бу вактда Самарқандда Улугбек мадрасаси курилмоқда эди. Али Қушчи Улугбек мадрасасида ҳам таълим олади, унинг мударрислари Қозизода Румий ва ғиёсiddин Коший эди. Али Қушчи Улугбек мадрасасини битириб, шу мадрасада математика ва астрономиядан машғулотлар олиб боради ва ўзининг илмий ишларини давом эттиради. Кўп ўтмай унинг шуҳрати Самарқанд олимлари орасига тараққалади.

Али Қушчи Хуросон, Ҳирот, Шарқий Туркистонга сафар қилиб, у ердаги олимлар билан танишади, фан тараққиётини ўрганади.

Али Қушчи Туркияда олимлар, файзасуфлар, шоирларни ўз атрофига тўплаб, илмий текшириш ишларини ривожлантиради. У Истамбулда математика, астрономия, фалсафа, мантик, адабиёт ва бошқа фанларга оид асарлар ёзди. Али Қушчи 21 дан ортиқ асарлар ёзган. У умрининг охиригача ўз шогирдлари билан ҳамкорликда, кўп олимларнинг асарларига шарҳлар ёзди ва бу асарлар Аб-Суфиё мадрасаси кутубхонасида сакланиб қолган.

Али Қушчининг айрим асарлари билан танишиб ўтамиш:

1. "Ҳисоб рисоласи", бу асарин Али Қушчи 1425 йилда Самарқандда форс-тохик тилида ёзган. Бу асар уч қисмдан иборат бўлиб, хиндлар арифметикиаси (ўнлик саноқ системаси), астрономлар арифметикаси(олтмишлик са-

ноқ системаси) ва геометриядан иборат. Бу асардан Ўрта Осиё мадрасаларида ўкув кўлланмаси сифатида фойдаланилган. Асарнинг кўл ёзмалари Тошкент, Душанбе, Ленинград, Истамбул, Оксфорд кутубхоналарида сакланмоқда.

2. "Касрлар ҳакида рисола". Касрларга бағишиланган бу асар 1430 йилда форс-тожик тилида ёзилган. Унда оддий ва ўнли касрлар ҳакида тўлик маълумот берилган. Асарнинг ягона кўл ёзмаси Ленинградда Шарқ халқлари кутубхонасида сакланмоқда.

3. "Китобул Мухаммадия". Бу асарни биринчи марта Али Күшчи "Ҳисоб рисоласи" номи билан форс-тожик тилида ёзган. Асар арифметика, алгебра, геометрия ва тригонометрияга оид бўлимларни ўз ичига олади.

Шунингдек, Али Күшчи ёзган "Астрономияга оид рисола" XV асрларда Ўрта Осиёда астрономия фанининг ҳай дароқада ривожланганини кўрсатади. Бу асар астрономиядан ёзилган энг муҳим асар бўлиб, астрономиядан ўкиш китоби вазифасини ҳам ўтаган.

Али Күшчи вафотидан сўнг, XV-XVIII асрларда унинг шогирдлари ўз устозларининг илмий ишларини давом эттирадилар. Улар орасида Мирим Чалаби, Ҳусайн Биржандий, Баҳоваддин Омулий, Нажмиддин Алихон ва бошқалар бор. Улар Улугбек мактаби илмий ишлари ва астрономик жадваллариша шархлар ёзалилар, математикани ўқитиш методикасини мукаммаллаштирудилар, математика ва астрономиядан янги асарлар ёзиллар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Узбекистон Республикаси конуни: «Таълим тўғрисида» Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.- 65 б
2. Узбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997. - 65 б
3. И.А.Каримов. Узбекистон келажаги буюк давлат. -Тошкент:Узбекистон 1992.-62 б
4. И.А.Каримов. Узбекистон XXI асрга интиљомоҳа . - Т.: Узбекистон, 1999. - 48 б.
5. Абу Али Ибн Сино. Тибнот конунлари: З жилдлик. 1-жилд. -Т.: А.Кодирий, 1992. - 302 б.
6. Абу Али ибн Сино тутгилган кунининг 1000 йиллигига (маколалар тўплами) Т.:Фан, 1980, 200-бет
7. Абу Наср Форобий. Рисолалар. -Т.: Фан, 1975.- 144 бет.
8. Абу Наср Форобий. Фозни одамлар шахри. -Т.: А.Кодирий, 1993.
9. Абу Раҳён Беруний. Таъланган асарлар. 3-жилд. -Т.: Фан, 1966.
10. Абу Раҳён Беруний. Таъланган асарлар. 4-жилд. -Т.: Фан, 1973.
11. Абу Раҳён Беруний. Таъланган асарлар. 5-жилд. -Т.: Фан, 1973.
12. Ал-Коши Джемшид Гижиддин. Ключ арифметики (Гарактият об окружности). Пер. с араб. Б.Розенфельда.- М.:Гостехиздат, 1956.
13. Абдурахмонов А. Мактабда геометрия тарихи. Т.; Ўқитувчи, 1992
14. Абдуллаева Қ.Сафарова Р., Бикбоева Н. Баҳрамов А., Зайниддинова М. Узбекистон Республикаси давлат таълим стандарти. //Бошлангич таълим журнали. 6-сон, 1998.
15. Ахмедов С.А. Ўрта Осиёда арифметика тараккиётни ва унинг ўқитиш тарихи. 2-кайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Т: Ўқитувчи, 1991,
16. Антология педагогической мысли Узбекстана. (Сост.Раджабов С.Р. Ҳашимов Ж. И. Др.) - Педагогика, 1986.- 123ст.
17. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 192 ст.
18. Гейзер. Г.И.История математики в школе. Пособие для учителей. Москва, "Просвещение" 1981, 239 стр
19. Даълеталиев М.Г. Бошлангич таълимнинг психологияк омилларни /Халқ таълими тизимида бошлангич синф ўқитувчиларининг янги авлоднин тайёрлаш муаммолари. - Т.: ТДПУ. 1996. - 132-134 б.
20. Денисен. И. Я История арифметики Пособие для учителей. Издательство "Просвещение", Москва, 1963, стр. 414
21. Жумасов М.Э.Таджинов З Г. Бошлангич синифларда математика ўқитиш методикаси. Т.: «Фан ва техника» 2001 й. -20 б т

22. Жумаев М.Э..Математика ўқитиши методикасидан практикум. Т.: «Ўқитувчи» 2004
23. Жумаев М.Э..Бошлангич синфларда математика ўқитиши методикасидан лаборатория машгулотлари Т.: «Янги аср авлоди» 2006 -16 б.т
24. Ибрагимов Р. Бошлангич мактаб ўқувчиларида билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. П.ф.док дисс. Т.; 2001, -243 б.
25. Ибрагимов Р. Ибрагимова П.С. Математик ҳазиллар, топишмоқлар, лабиринтлар. - Т.; Ўқитувчи. 1996
26. Икрамов Ж. Мактаб математика тили. Т. Ўқитувчи, 1977, 196-б.
27. Искандаров Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий - сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
28. Кажабаев К.Г.Мактабда умумий математиканинг тарбиавий йўналиши, Т. «Ўқитувчи» 1996.
29. Йўлдашев Ж.Ф. Таълимимиз истигболи йўлида. -Т.: Шарқ, 1996.- 224 б.
30. Мавлонова Р.А., Хайдаров М. Қадриятлар, урф-одатлар // Бошлангич таълим. -1994.- № 9-10.- 41-42 б.
31. Мусурмонова О. Мальнивий қадриятлар ва ёшлар тарбиаси.- Т.: Ўқитувчи, 1996.- 191 б.
32. Нуритдинова З.Г.(Таджинева З.Г.) Педагогические идеи Абу Райхана Беруни. Ташкент, Издательство"Фан" Уз ССР, 1989, 118 стр
33. Отажонова З. Математика ўқитишида Ўрта Осиёлик ўрга аср олимлари асарларидан фойдаланиш. Ўқитувчилар учун кўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1981, 149 бет.
34. Стройк. Д. Я."Краткий очерк истории математики. Перевод с немецкого и дополнения И.Б.Погребысского. Москва, "Наука", главная редакция физико-математической литературы, 1984, 282 стр
35. Таджинева З.Г.Бошлангич синф математика дарсларида тарихий материаллардан фойдаланиш.Ўз.Республикаси таълим маркази. Т.2003
36. Таджинева З. Г. Бакалавр талабалар учун математика ўқитиши методикаси. Дастурлар. - Т.; 1995- 2001
37. Туленов Ж. Қадриятлар философаси. - Т., Узбекистон, 1998. - 236 б
38. Усмонхўжаев Т.С. Ҳаракатли ўйинлар. -Т.: Ўқитувчи, 1992.- 175
39. Гофуров С.В. I-IV синф математика дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. Т.: Ўқитувчи, 1972 18 бет.
40. Эрдниев П.М. Укрепление дидактических единиц как технология обучения. В.2 ч. Ч 1. - М.: Просвещение, 1992. - 175 с.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1. Математика дарсларида тарихий материаллардан фойдаланишнинг дидактик асослари	7
2 Математикага доир илмий-назарий ғояларнинг юзага келиш манбалари.....	17
3. Математика дарсларида тарихий билим бериш билан ўқувчиларда ўзликни англаш хиссини тарбиялаш.....	24
4. Математика дарсларида тарихий билим беришнинг асосий йўналишлари.....	34
5. Бошлангич синф математика дарсларида ва синфдан ташкари машгулотларда тарихий материаллардан фойдаланиш методикаси	40
6. Кушиш, айриш амаллари ва уларнинг бажарилиш усуллари	53
7 Математика дарслари самарадорлигини оширишда тарихий материаллардан фойдаланиш дарслар тизими	67
8 Ўрта Осиёлик энциклопедиячи олимлар	78
9 Ибн Сино асарларида математика фанига доир масалалар ... Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	86 97

**Таджиева Зумрад Гиясовна, Жумасев Маманазар Эргашевич,
Джавлиева Гулнора Раушановна, Холикова Захро**

**Бошланғич синф математика тәрбиятінің самарадорлығынни
оширишда тарихи материалдардан фойдаланиш**

**Педагогика университеті бошланғич тәрбиятінің факуль-
тети талабалари учун ўқув күлдіннің
ўзбек тілінде**

**Төшкент ООО «Жаңон -Принт» 2007
Му жаррیر: Ш.Мухитдинова**

**Нашрга тайберзаганлар : З.Холикова, Ш.Мухитдинова
Низомий номидаги Төшкент Давлат педагогика
университеті Илмий кеңгашшының 2007 ил 29 мартағы
9-сони күнде билан нашрга тавсия қылған.**

